

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ**  
**ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации(DSc)

Content of the Doctoral dissertation (DSc)

**Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрович**

Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва  
ривожланиши ..... 3

**Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрович**

Формирование и развитие культурной дипломатии  
Республики Узбекистан..... 47

**Sayfullaev Durbek Bakhtiyorovich**

Formation and development of cultural diplomacy of the Republic of  
Uzbekistan ..... 89

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 94

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1 DSc/Tar154 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Маврулов Абдухалил Абдулхаевич</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қирғизбоев Абдуғаппор Каримжонович</b> тарих фанлари доктори, профессор
	<b>Нуриддинов Эркин Зухриддинович</b> тарих фанлари доктори, профессор
	<b>Жўраев Нарзулла Қосимович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc/03/30.12.2019/Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Э. С. Султонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

**А. А. Шаранов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, сиёсий фанлар номзоди, доцент

**Н. Э. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос муҳим воситаси бўлиб, у орқали мамлакатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъминланади ҳамда ҳимоя қилинади. Бугунги глобаллашув жараёни авж олган, халқаро муносабатлар тобора мураккаблашиб бораётган вазиятда миллий манфаатларни таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш масалалари долзарблигини йўқотмади. Аксинча, илгари халқаро муносабатларда мамлакатнинг қудрати асосан унинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти билан ўлчанган бўлса, эндиликда давлатнинг тарихи ва маданиятини дипломатия воситалари орқали тарғиб этиш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим мезонларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бугун маданий дипломатия ташқи сиёсатнинг энг самарали усуллари билан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистон маданий дипломатияси давлат ташқи сиёсатининг етакчи сиёсий институтларидан бири сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланиб ва тадрижий равишда ривожланиб, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиши учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон маданий дипломатиясининг минтақавий ва глобал даражада ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг имижини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва давлатлари томонидан муносиб тарзда эътироф этилди. Зеро, Президент Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, маданий дипломатиямиз негизида «Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илҳомбахш таъсири натижасида шаклланиб, раванқ топган...»<sup>1</sup> тарихий-маданий меросимиз ётади.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, позицияси ва обрўсини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон учун дипломатиянинг ушбу тури ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналиш ва усуллари билан бирига айланди. Турли давлатлар билан, шунингдек халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама маданий дипломатиясини жадал ва сермазмун тарзда олиб бораётгани, дунё маданий ҳаётининг бир қисми сифатида халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора ошиб бораётгани, мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу соҳага ўта долзарб масала сифатида қаралаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу нуктаи назардан, республикамизнинг маданий дипломатияси шаклланиши ва ривожланишини, эришган ютуқлари ва камчиликларини, олдинда турган мақсадларни аниқ белгилаб олиш ва уларга

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон маданиятининг янги кирралари – дунё эътиборида // «Ўзбекистон маданий мероси» муаллифлик туркуми: «Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбомига кириш сўзи. – Т., 2019. – Б. 5.

эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган узок муддатли стратегияни ишлаб чиқишга бўлган талаб тадқиқот мавзуининг долзарблигини белгилади.

Ушбу диссертация «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги (1992 йил 3 июль), «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2012 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил 7 февраль), «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 5 апрель) фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017 йил 30 июнь), «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги (2018 йил 28 ноябрь) қарорлари, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Марказий Осиё маданий алоқалари ва маданий меросини ўрганиш бўйича асосий илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари ҳамда жамиятларида, жумладан Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти, Марказий Евросиё тадқиқотлари жамияти (АҚШ), Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти, Осиё ишлари бўйича Роял жамияти (Буюк Британия), Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари бўйича Италия жамияти, Марказий Осиё обсерваторияси маркази (Испания), Осиё маданий тадқиқотлари институти, Евросиё ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Корея), Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Айгине маданий тадқиқотлари маркази

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи // <https://www.silkroadstudies.org/>; <https://www.centralearasia.org/>; <https://ifeac.hypotheses.org/>; <https://rsaa.org.uk/>; <https://www.asiac.net/>; URL: <http://www.asiacentral.es/>; <https://www.toyo.ac.jp/en/research/labo-center/acri/outline/>; <https://www.ivran.ru/>; URL: <http://aigine.kg/>; URL: <http://www.archiveca-iicas.org/archives/>; URL: <http://c-legacy.uz/uz/bosh-sahifa/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

(Қирғизистон), Марказий Осиё тадқиқотлари институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Марказий Осиё маданий меросини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотлар ЮНЕСКО лойиҳалари асосида ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу халқаро ташкилот томонидан нашр этилган олти жилдли «*Марказий Осиё цивилизациялари тарихи*» китоби Марказий Осиё маданий мероси бўйича муҳим манба ҳисобланади. Хорижда Марказий Осиё маданий меросини тадқиқ этувчи марказлар кам бўлиб, борлари ҳам айнан маданий меросни ўрганишга ихтисослашмаган, балки илмий марказларнинг тегишли тадқиқот йўналишлари сифатида мавжуд. Бу соҳага кенгроқ эътибор берадиган марказ ҳозирги кунда Франциянинг Қирғизистонда жойлашган Марказий Осиё тадқиқотлари институти (French Institute for Central Asian Studies – IFEAC) ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси Марказий Осиё минтақасида археология ва турли ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан тарих, социология, этнология, антропология, иқтисод, география бўйича тадқиқотлар олиб борган ҳолда Марказий Осиё маданий ёдгорликларини ўрганишдан иборат.

Айнан Марказий Осиё маданий меросини ўрганувчи фундаментал тадқиқот маркази Самарқандда жойлашган. 1995 йилда Самарқандда асос солинган «Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти» (International Institute for Central Asian Studies – IICAS) Марказий Осиё давлатларининг маданияти ва тарихига оид масалаларни тадқиқ этади. Хусусан, ушбу халқаро институт Буюк ипак йўли цивилизациялари тарихи ва уларнинг маданий ривожланиши бўйича 10 дан ортиқ давлатлар олимлари иштирокида илмий изланишлар олиб боради.

Шунингдек, «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда китоб-альбомларни нашрга тайёрлаш жараёнида таниқли олимларнинг Ўзбекистон ҳудудида содир бўлаётган энг сара артефактларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича жиддий тадқиқот ишлари ўтказилди. Улар орасида – археология, кулолчиликнинг ноёб намуналари, металл буюмлар, нумизматика, тўқимачилик, заргарлик ва тасвирий санъат намуналари бор. Ушбу медиа маҳсулот Ўзбекистон халқи маданий-тарихий меросининг бутун бойлиги ва ноёблигини акс эттиришга имкон берди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дипломатия, шу жумладан, маданий дипломатиянинг назарий ва амалий масалалари ҳамда йўналишлари кўпгина хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар ва мутахассисларнинг, айниқса тарихчи ва сиёсатшуносларнинг эътиборини ўзига тортиб келади. Бугунга қадар яратилган мавзуга алоқадор тадқиқотларни муаммовий-хронологик усул асосида шартли равишда икки йирик гуруҳга, яъни ўзбекистонлик олимларнинг ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг ишларига ажратиш мумкин.

Муаммонинг объекти ва предметини ўрганишга ёндашувлар айрим ҳолларда ўхшаб кетиши инобатга олинса, биринчи гуруҳ тадқиқотлари, ўз навбатида, қуйидаги уч йўналишни қамраб олади:

А) Биринчи йўналишга А.Қосимов, С.Пўлатова, М.Раҳимов, Х.Бекмуратов, Н.Зиямов, Э.Нуриддинов, А.Қирғизбоев, Г.Табак, Д.Махкамова, Р.Асадова, С.Отажанова, А.Холлиев, С.Жўраев, Н.Қосимова, Л.Бобохўжаева, К.Тошматова, О.Абдимўминов каби тарихчи ва сиёсатшунос олимларнинг диссертация тадқиқотларини киритиш жоиз<sup>3</sup>.

Маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг асосий йўналишларини, давлат ташқи сиёсатида тарихий-маданий анъаналарнинг роли, Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалар тизимидаги ўрни, хорижий давлатлар билан икки ва кўп томонлама маданий-гуманитар алоқалари каби масалаларни ўрганишган.

Б) Иккинчи йўналиш ўз ичига Г.Хидоятлов, С.Шарапова, Д.Раҳимбаева, С.Сафоев, Қ.Жўраев, С.Жўраев, И.Мавлонов, А.Файзуллаев, Ф.Жўраев, А.Шарапов, С.Таджиев, С.Пўлатова каби олимларнинг чоп этган ишларини қамраб олиб, бу ишларда Ўзбекистон дипломатиясининг айрим жиҳатларини ҳамда замонавий дипломатиянинг «иктисодий дипломатия», «парламент дипломатия», «оммавий дипломатия», «рақамли дипломатия» ва «халқ дипломатияси», «юмшоқ куч» каби мамлакатимиз дипломатиясининг янги йўналишларини Ўзбекистон нуқтаи назардан у ёки бу даражада тадқиқ этишга ҳаракат қилган.

Шунингдек, дипломатия ва умуман халқаро муносабатлар мавзусидаги тарихий асарлар орасида «Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи», ҳамда Р.Фармонов ва Қ.Жўраев ҳаммуаллифлигидаги «Халқаро муносабатлар тарихи» китобларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларда ташқи сиёсат, шу жумладан, маданий ҳамкорлик масалалари билан бирга, дастлабки дипломат кадрлар, уларнинг фаолиятига ҳам эътибор қаратилган.

Иккинчи гуруҳни муаммонинг концептуал-назарий ҳамда амалий масалаларини ўрганган хорижий тадқиқотчиларнинг монографик асарлари ва илмий маколалари ташкил этади. Ушбу гуруҳдаги адабиётлар ҳам икки йўналишга бўлинган:

А) ХХІ асрда глобаллашув жараёнлари таъсирида ва халқаро муносабатларнинг янги полицентрик тизими шаклланиши шароитида давлатнинг «юмшоқ куч» ва маданий дипломатия мавзуси тараққий этган мамлакатлар олимлари ва тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, «юмшоқ куч» феномени концепциясини ишлаб чиққан ҳамда ундан халқаро муносабатларда самарали фойдаланиш усулларини яратган олимлар Э. Вилсон, Ж. Най, С.С. Грей, С.Р. Манн, С.П. Шнейдер ўз тадқиқотларида «юмшоқ куч»нинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини, уни шакллантириш йўллари, таъсир доирасини аниқлаганлар, баъзи мамлакатлар «юмшоқ кучи»нинг миллий хусусиятларини ўрганганлар ва ҳоказо.

---

<sup>3</sup> Кайд этилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарлари диссертацияда батафсил келтирилган.

К. Бунд, М.Каммингс, Ж. Ленкзоуски, М. Леонард, Э. Пайтинка, Э. Торкутти, А. Андерс каби хорижий тадқиқотчилар ўз асарларида «маданий дипломатия» тушунчасини, атаманинг пайдо бўлиш тарихини ҳамда уни назария ва амалиётда ўрганиш муаммоларини кўриб чиққанлар.

Б) навбатдаги йўналишга кирган асарларни асосан (постсовет маконида бу борада етакчи илмий мактабга эга бўлганлигини ҳисобга олиб) россиялик олимларнинг ишлари ташкил этади. Жумладан, Д.А. Звягина, О.Г. Леонова, Э.В. Пименова, И.В. Радиков, Я.В. Лексютина, Б.Павловскийнинг тадқиқотларида «юмшоқ куч»нинг назарий масалалари тадқиқ этилиб, улар асосий эътиборни ушбу тушунчанинг моҳияти, мақсад ва вазифаларига қаратиб, постсовет маконида унинг «амал» қилиш шарт-шароитларини ёритишга ҳаракат қилишган.

Россиялик олимлар бевосита «маданий дипломатия» мавзусини Э.М.Астахов, Э.В. Василенко, Л.Е. Козлов, О.В. Лебедева, С.А. Глебова, Т.Н.Клеимонова, Т.Н. Миронова, Л.Е. Козлов, Г.И. Цвик каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин. Ушбу тадқиқотларда маданий дипломатиянинг умумий ва хусусий жиҳатларига, назарий масалалари ҳамда унинг ҳозирги шароитдаги фаолиятига тўхталиб ўтишган. Шу билан бирга, айрим давлатлар мисолида уни Россия Федерациясининг амалиёти ва шарт-шароитлари билан қиёслаган ҳолда айрим давлатлар учун маданий дипломатиянинг аҳамияти, уни амалга ошириш усуллари, бу жараёнда тил ва маданиятини тарғиб қилиш билан шуғулланадиган институтлар, маданий соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва бошқа кўплаб масалалар таҳлил этилган.

Юқорида қайд этилган хорижий тадқиқотлар Марказий Осиё ёки Ўзбекистон даражасида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишда маданий дипломатиянинг ўрни ва ролига аҳамият бермаган бўлсалар-да, бу ишлар фундаментал хусусиятга эга бўлиб, тадқиқотимизда қўйилган назарий муаммоларнинг ечимини топишда алоҳида аҳамият касб этган.

Шундай қилиб, мавзуга оид умумий ва махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга келиб мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий дипломатия йўналишидаги алоқаларни қарор топтириш ва ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш учун тарихшунослик асослари маълум даражада вужудга келди. Шу билан бирга, тарих фанининг ушбу йўналишдаги илк қадамлари эндигина ташланди. Бу борада ҳали ҳал этилмаган ёки қисман таҳлил қилинган кўплаб муаммолар, масалалар сақланиб қолаётганлигини ва улар сўнгги пайтларгача алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмаганлигини кўриш мумкин. Муаммонинг юқори даражадаги илмий-амалий аҳамияти, унинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тошкент давлат шарқшунослик университетининг А-1-188. «Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожланишининг назарий ва амалий

жиҳатлари» ҳамда ПЗ-2017-0929561 «Ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва миллий ғояга содиқлик руҳини кучайтиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштириш» номли илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш йўналишларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«маданий дипломатия» тушунчасига берилган таърифларни қиёсий таҳлил қилиш, назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш;

жаҳондаги айрим ривожланган мамлакатларнинг маданий дипломатия соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиш жараёнларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг хусусиятларини ҳамда бу борада маданий дипломатиянинг ривожланиш омилларини аниқлаш;

Ўзбекистонда маданий дипломатия соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий жараёнларни ўрганиш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданий дипломатиясининг ривожланиш босқичлари ва хусусиятларини аниқлаш;

1991–2016 йилларда мамлакатимиз маданий дипломатиясининг одимлари ва муаммоларини кўриб чиқиш;

туб ислохотларнинг янги босқичида Ўзбекистон маданий дипломатиясининг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш.

Ўзбекистоннинг МДХ ва ШХТ халқаро ташкилотлари доирасидаги кўп томонлама маданий дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини кўриб чиқиш;

ўрганилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Ўзбекистон Республикасининг маданий дипломатия соҳасидаги фаолияти.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, мамлакат маданий дипломатиясининг халқаро муносабатлар тизимидаги йўналишлари ва ривожланиш босқичлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагиларда кўринади:

мамлакатимиз маданий дипломатиясининг илдизлари ўзбек давлатчилиги тарихида даврнинг сиёсий тизими, ички ва ташқи сиёсий жараёнлар таъсирида нотекис ривожланиш хусусиятига эга бўлганлиги асосланган;

мустақиллик йилларида маданий дипломатиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи икки босқичда, яъни демократик давлатчилик

асосларини яратишнинг мураккаб жараёнлари ва унинг давр талабига мослашиши қийин кечган биринчи босқич (1991–2016 йиллар) ҳамда янги Ўзбекистон шароитида ушбу дипломатиянинг фаоллашуви, жадаллашуви ва кенг қамровли ривожланиши кузатилаётган иккинчи босқичда кечаётгани асосланган;

мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг маданий ривожланишига демократик принциплар асосида кенг имкониятлар берилаётгани мамлакатнинг маданий дипломатиясида ижобий натижа бераётгани асосланган;

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» номли бешинчи йўналишнинг амалиётга самарали жорий этилиши сабабли ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган маданий дипломатияни, жумладан унинг ижобий усул ва воситаларини етакчи давлатлар томонидан ҳам мамлакатимизда кенг қўллаш имкониятлари яратилаётгани очиқ берилган;

ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг маданий дипломатияси шаклланиши ва ривожланиши тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат принципларига асосланиб, айниқса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ўзига хос превентив, ташаббускор ва ҳамкорлар учун очиқлик каби хусусиятларга эгаллиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маданий дипломатиянинг замонавий йўналишларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

маданий дипломатия тарихи ва назариясига оид халқаро муносабатларда тан олинган қарашлардаги Ўзбекистоннинг мустақиллик даври маданий дипломатияси тарихини тадқиқ этишда ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-методик жиҳатлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотларидан фойдаланилгани, ташқи сиёсий фаолиятга оид янги принциплар қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилгани, концептуал ва қонуний асосга эга ҳулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* мустақиллик даври Ўзбекистон маданий дипломатиясини тарихийлик, холислик, тизимлилик принциплари ҳамда фанлараро ёндашувлар, хусусан, тарих ва сиёсатшунослик фанлари методлари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик

ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга имкон беришида кўринади.

Диссертация натижаларининг *амалий аҳамияти* замонавий Ўзбекистон маданий дипломатияси тарихини яратишда, мамлакат ташқи сиёсатига доир таҳлилий маълумотлар тайёрлашда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлигидадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мамлакатимиз маданий дипломатиясининг илдизлари ўзбек давлатчилиги тарихида даврнинг сиёсий тизими, ички ва ташқи сиёсий жараёнлар таъсирида нотекис ривожланиш хусусиятига эга бўлганлиги борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси «Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-560-сон қонунни ишлаб чиқишда фойдаланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 19 декабрдаги 24-14/2552-сон маълумотномаси). Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши моддий маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга, соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга хизмат қилган;

мустақиллик йилларида маданий дипломатиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи икки босқичда, яъни демократик давлатчилик асосларини яратишнинг мураккаб жараёнлари ва унинг давр талабига мослашиши қийин кечган биринчи босқич (1991–2016 йиллар) ҳамда янги Ўзбекистон шароитида ушбу дипломатиянинг фаоллашуви, жадаллашуви ва кенг қамровли ривожланиши кузатилаётган иккинчи босқичда кечаётгани борасидаги хулосалардан «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 01-12-03-6192-сон маълумотномаси). Натижада давлат ва жамият фаолиятининг маданият соҳасини модернизация қилиш ва ислохотларни ўтказиш, инновацияларни жорий қилиш, жамиятни ривожлантиришнинг мақсад ва аҳамиятини англашга хизмат қилувчи маданий муҳит яратиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилган;

мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг маданий ривожланишига демократик принциплар асосида кенг имкониятлар берилиши мамлакатнинг маданий дипломатиясида ижобий натижасини бераётгани борасидаги хулосалардан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан икки ёқлама ҳамкорлик тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 01-16-718-сон маълумотномаси). Натижада бу миллий-маданий марказлар, дўстлик

жамиятларининг ролини янада ошириш ва аҳоли ҳаётидаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» номли бешинчи йўналишнинг амалиётга самарали жорий этилиши сабабли ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган маданий дипломатияни, жумладан унинг ижобий усул ва воситаларини етакчи давлатлар томонидан ҳам мамлакатимизда кенг қўллаш имкониятлари яратилаётгани борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» қонун қабул қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 17 декабрдаги 10/1-788-сон маълумотномаси). Бу эса маданий ўзликни намоён қилишнинг турли хил шакллари сақлаш ва рағбатлантириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик, ҳамфикрликни мустаҳкамлаш асосида турфа маданиятларнинг эркин мулоқоти учун зарур шароитлар яратиш борасида ўтказилган тадбирларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро даражадаги, 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (улардан 13 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, тадқиқот қисми 232 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маданий дипломатияни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида маданий

дипломатиянинг моҳияти, таърифи, назарияси ва парадигмалари, халқаро муносабатлар, «юмшоқ куч», дипломатия тарихига оид назарий ва концептуал асослар, етакчи хорижий мамлакатлар маданий дипломатияси моделларининг хусусиятлари ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш жараёнлари таҳлил этилган. Шулар асосида маданий дипломатия тарихини тадқиқ этишга методологик ёндашувлар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақилликка эришгач тарихий тараққиётида янги босқичга қадам қўйди. Ўзбекистоннинг геосиёсий мақоми ва миллий-тарихий анъаналари боис, давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири маданий алоқаларни, яъни маданий дипломатия деб аталувчи феномен асосидаги муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдир. Маданий дипломатия, бир томондан, бугунги ўзаро боғлиқ дунёнинг глобаллашуви, унда оммавий мулоқот технологиясининг тарқалиши шароитларида турли мамлакатлар аҳолисининг мулоқоти жадаллашиб боришини таъминлайди, тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Аmmo, бошқа томондан, миллий хусусиятларнинг ҳеч бири маданиятчалик муҳим эмас. Бундай маданият дипломатия доирасида муваффақиятли амалга оширилганида эса давлатга жаҳон майдонида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ёйиш имконини берувчи мустаҳкам пойдевор яратиб, жаҳондаги ижтимоий фикр ҳамда инсонлар, ҳамжамиятлар, маданиятлар ёки халқлар мафкурасига таъсир кўрсатиш учун беқиёс салоҳиятга эга бўлади.

Диссертацияда Совет Иттифоқи тарқалганидан кейинги маконда маданий дипломатия илмий тадқиқотларнинг ҳали кам ўрганилган соҳаси эканлиги, ушбу мавзуга анчагина илмий ишлар ва бошқа наشرлар бағишланган бўлса-да, маданий дипломатиянинг дастурлари, лойиҳалари, ҳаракатларини оқилона тизимга солиш борасидаги илмий-назарий уринишлар ҳозирча поёнига етмагани асосланган. Шунининг олган ҳолда маданий дипломатиянинг тушунчалар аппарати ва умумий парадигмаларига тўхталиб ўтилган.

Маълумки, маданий дипломатия бугун пайдо бўлмаган, балки бутун инсоният тамаддунининг ривожланиши давомида мавжуд бўлган. Гарчи «маданий дипломатия» иборасининг ўзи инсониятнинг бутун тарихи давомида қўлланиб келган бўлса-да, нисбатан яқинда илмий ва сиёсий тус олди. Тадқиқотчилар, сайёҳлар, савдогарлар, ўқитувчи ва рассомларнинг фаолияти ана шундан далолат бермоқда. Шу боис уларни бемалол «норасмий элчилар» ёки «маданий дипломатлар» деб ҳисоблаш мумкин (масалан, доимий савдо йўлларининг очилиши савдогарлар ва ҳукуматлар вакиллари ўртасида ахборот алмашувига имкон беради). Маданий алмашувнинг ана шу каби шакллари маданий дипломатиянинг илк мисоллари сифатида келтириш мумкин.

Ана шу маънода Ўзбекистон ҳам бой тарихи ва маданиятига эга мамлакатдир. Марказий Осиё минтақасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш

Ўзбекистон жаҳон тамаддуни тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу, энг аввало, ушбу маконда қадим замонлардан буён давлатчилик анъаналари, шаҳар маданияти, инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур аниқ ва табиий фанлар бўйича бой амалий билимлар мажмуи, ўз ёзуви, меъморчилиги ва санъати бўлганлиги билан боғлиқ<sup>4</sup>. Тарихий маълумотларнинг далолат беришича, Буюк ипак йўлидан фойдаланилган даврларда халқлар ўртасида сиёсий ва маданий алоқалар кескин кучайган, улар серқирра ва ҳар томонлама бўлган.

Мазкур атамани илмий ва сиёсий муомалага олиб киришнинг асосий ташаббускори ғарб мамлакатлари бўлгани боис ана шу мамлакатлардаги илмий ёндашувларга тўхталиб ўтамиз. Масалан, Францияда «action culturelle exterieure» (ташқи маданий фаолият), «politique culturelle exterieure» (ташқи маданий сиёсат), «politique culturelle internationale» (халқаро маданий сиёсат), «diplomatie culturelle» (маданий дипломатия) каби бир қанча иборалар қўлланади. Англо-саксон сиёсатчилари ва олимлари ўз илмий асарларида «маданий дипломатия» ёки «оммавий дипломатия» атамаларидан фойдаланадилар (уларни биргаликда қўллайдилар). Немис олимлари «маданий дипломатия» атамасини бутунлай рад этадилар, чунки уларнинг фикрига кўра, сиёсий масалаларни ҳал қилиш ва тарғибот мақсадларига фақат ташқи маданий сиёсат йўналтирилиши мумкин. Ўтган аср охиридан бошлаб ушбу ибора ривожланаётган мамлакатларнинг илмий-сиёсий тилига жадал кириб кела бошлади. Масалан, «халқ дипломатияси» иборасини қўллаш кўпроқ Хитойга хос<sup>5</sup>.

МДХ мамлакатларида биз тадқиқ этаётган ҳодисанинг хусусиятида из қолдирган ўзига хос сиёсий иборалар шаклланган. Хусусан, маданий дипломатия ҳақида сўз юритганда Қозоғистонда – «ташқи сиёсатнинг маданий-гуманитар мезони», «маънавий дипломатия»<sup>6</sup>, Туркменистонда «ижтимоий институт», «самарали ташқи сиёсий механизм», «дипломатик фаолият соҳаси», «халқ дипломатияси шакли» каби иборалар қўлланилади<sup>7</sup>. Беларусь, Арманистон, Тожикистон ва Озарбайжоннинг расмий ёндашувларида муайян фарқлар мавжуд. Россия фанида «маданий дипломатия» ва «ташқи маданий сиёсат» тушунчаларининг нисбатан ўхшашлиги ҳақида мунозаралар бормоқда. Россиялик экспертлар таъкидлаб ўтганларидек, «бунга ўхшаш ноаниқ вазият кўп жиҳатдан мазкур иборалар Россия қонунчилигида белгиланмаганлиги ёки чегараланмаганлигидан келиб чиқмоқда»<sup>8</sup>.

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви (бундан кейин ЎЗР МВ ЖА). Проект Концепции проведения под эгидой ЮНЕСКО международной научной конференции «Центрально-азиатский Ренессанс в истории мировой цивилизации» (г. Самарканд, 28-30 августа 2017 г.)

<sup>5</sup> Боголюбова Н. М., Николаева Ю. В. Теоретические аспекты проблемы внешней культурной политики... – С. 277–279.

<sup>6</sup> Назарбаев Н. А. Встреча с главами зарубежных дипломатических миссий, аккредитованных в Казахстане. 5 февраля 2014 г. // Веб-сайт Президента Республики Казахстан – [www.akorda.kz](http://www.akorda.kz).

<sup>7</sup> Гурбангельдыев Дж. Культурная дипломатия – язык межнационального диалога. 21 марта 2012 г. // Туркменистан: золотой век: Электронная газета. – [www.turkmenistan.gov.tm](http://www.turkmenistan.gov.tm)

<sup>8</sup> Боголюбова Н. М., Николаева Ю. В. Теоретические аспекты проблемы внешней культурной политики... – С. 280.

Айни вақтда, маданият халқаро муносабатлар тизимида «универсал» хусусиятга эга бўлгани ҳолда ҳар бир тадқиқотчининг ёндашувига кўра турли-туман «тус»га киради. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида француз эксперти А.Моль ўзига хос ва кенг қамровли тушунча бўлмиш «маданият» 250 дан ортиқ маъноларга эгаллигини таъкидлаган<sup>9</sup>. Шу билан бирга, ҳар бир маданият беқиёс эканлигини, чунки муайян жамиятга мос бўлган маънавий ва маданий қадриятларнинг ички маданий унсурлари тизимини қамраб олишини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ҳар бир мамлакатнинг маданий дипломатияси, аввало, миллий тусга эга бўлади.

Ҳар бир давлат янги ва энг янги даврда ташқи сиёсатда ўз маданиятига асосланган ўз брендини илгари сургани ҳолда маданий дипломатия жараёнида хорижликларга юксак маданияти (адабиёти, санъати, таълими ва шу қабилар)ни ҳам, анъанавий маданияти (аҳоли орасда кенг тарқалган маданияти)ни ҳам кўрсатишга интилади.

Маданий дипломатия оммавий дипломатиянинг таркибий қисми бўлиб, халқаро жамоатчиликни бохабар қилиш, таълим ва маданият соҳасида бошқа халқлар билан муносабатларга киришиш ва уларни ривожлантириш асосида хорижда мамлакатнинг жозибадор қиёфасини (имижини) яратишни англатади. Оммавий дипломатия иштирокчилари сифатида профессионал дипломатлар ҳам, ноҳукумат ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Англо-саксон адабиётида маданий дипломатия ва унинг асосий мақсадлари анча батафсил ёритилган. Масалан, Майкл Валдер таҳририда чиққан асарда маданий дипломатиянинг мақсади хорижий мамлакатлар билан алоқаларнинг даражаси ва хусусиятига ҳамда умуман халқаро муносабатлар тизимида таъсир кўрсатиш эканлиги таъкидланади. Маданий дипломатиядан кўзланадиган мақсадлар қуйидагилардир: хорижликларда мамлакат аҳолиси, маданияти ва сиёсатига ижобий қарашни шакллантириш; мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш; мамлакатнинг сиёсий муҳитига таъсир кўрсатиш; миллий манфаатларни ҳимоя қилиш; мамлакатлар ўртасидаги можароларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини юмшатишда маданият унсурларидан фойдаланиш<sup>10</sup>.

Ўз навбатида, маданий дипломатия мамлакатларга бошқа халқни яхшироқ англашида ёрдам беради. Бу эса ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Маданий алмашув дастурлари маданий қадриятларни бошқа халқларга етказиш, шунингдек маданий мулоқотлар орқали хорижда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантиришга имкон яратади.

Инглиз сиёсатшуноси Марк Леонарднинг фикрига кўра, ушбу воситаларнинг барчаси мамлакатнинг миллий маданиятини хорижликлар тушуниши ҳамда халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш орқали

---

<sup>9</sup> Моль Абрам. Социодинамика культуры: Пер. с фр. – М., 2008. – С. 39.

<sup>10</sup> Cultural Diplomacy, Political Influence, and Integrated Strategy // Strategic Influence: Public Diplomacy, Counterpropaganda, and Political Warfare, ed. Michael J. Waller. – Washington, DC: Institute of World Politics Press, 2009. – P. 77.

давлатнинг ташқи сиёсий мақсадларига эришиш имконини беради. Булардан нодавлат ноижорат ташкилотлари, хориждаги диаспоралар ва сиёсий партиялар ҳам фойдаланиши мумкин<sup>11</sup>. Ушбу воситалар одатда давлат томонидан яратилмайди, балки маданиятдан вужудга келади. Шундай бўлса-да, айнан ҳукуматлар хорижда маданий ютуқларнинг оммалашшига шароит яратади.

Илмий адабиётларда маданий дипломатия турлича талқин этилишини қатъий ишонч билан айтиш мумкин. Айни вақтда у оммавий дипломатия билан узвий ҳолда кечади. Масалан, М.Валлернинг фикрига кўра, бу «оммавий дипломатиянинг бир кўриниши бўлгани ҳолда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида давлатлар ва уларда истиқомат қилаётган халқлар ўртасида ғоялар, ахборот, санъат асарлари ва маданиятнинг бошқа бўғинлари билан алмашиш»ни қамраб олувчи «юмшоқ куч» сиёсатининг ажралмас қисмидир<sup>12</sup>. Унга халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маданий ҳамкорликни юксалтириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш вазибалари юкланади.

Бинобарин, маданий дипломатиянинг замонавий парадигмаси оммавий дипломатия билан узвийдир. Маданий дипломатия оммавий дипломатиянинг муҳим ва ажралмас қисми эканлиги аниқ. Ҳозирги вақтда муайян мамлакатни англаш учун унинг сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олишнинг ўзи етарли бўлмайди. Давлатга умумий баҳо бериш учун у жаҳон майдонида қандай таассурот қолдираётганлигини кўриб чиқиш муҳим.

Шу боис, оммавий дипломатиянинг ривожланиши, мақсад ва вазибалари, шунингдек ижтимоий, рақамли ва бошқа дипломатияларнинг муҳим бўғинларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш зарур.

«Public diplomacy» тушунчасини илк бор 1965 йилда Тафтс университети қошидаги Флетчер номли ҳуқуқ ва дипломатия мактабининг декани Эдмунд Галлион таклиф этган. Унинг таърифига кўра, «оммавий дипломатия» ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга ижтимоий муносабат таъсири билан иш кўради, анъанавий дипломатия доираларидан ташқарига чиқувчи халқаро муносабатларнинг ҳукумат томонидан бошқа мамлакатларда ижтимоий фикрни шакллантириш жиҳатларини; бир мамлакатдаги хусусий гуруҳ ва манфаатларнинг бошқа мамлакатдаги хусусий гуруҳ ва манфаатлар билан ўзаро муносабатини, халқаро ишлар тўғрисидаги репортажлар ҳамда уларнинг сиёсатга таъсири, иши мулоқот билан, шунингдек дипломатлар ва хорижий мухбирлар ўртасидаги мулоқотни ва маданиятлараро коммуникация жараёнини қамраб олади<sup>13</sup>.

Умуман, оммавий дипломатия воситалари кўп асрлар давомида халқаро муносабатларда турли кўринишларда қўлланиб келган, бироқ тушунчанинг

<sup>11</sup> Mark Leonard. Diplomacy by Other Means // Foreign Policy 132. – 2002. – September/October. – P. 51.

<sup>12</sup> Cultural Diplomacy, Political Influence, and Integrated Strategy... – P. 74.

<sup>13</sup> What is Public Diplomacy? // Edward R. Murrow Center of Public Diplomacy. The Fletcher School. Tufts University // [https://publicdiplomacy.wikia.org/wiki/The\\_Edward\\_R.\\_Murrow\\_Center\\_of\\_Public\\_Diplomacy](https://publicdiplomacy.wikia.org/wiki/The_Edward_R._Murrow_Center_of_Public_Diplomacy)

ўзи фақат XX асрнинг ўрталарига келиб Э.Галлион туфайли концептуал изоҳига эга бўлди.

Америкалик тадқиқотчи Ж. Фишер, «public diplomacy» нимадан иборатлигини изоҳлашга уринган ҳолда 1976 йилда қуйидагиларни ёзган: «Хорижий ҳамкасбларингиз бўлган дипломатлар давлатингиз сиёсатини тушунишларига ишонишингизнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу сиёсатни ўз Ташқи ишлар вазирлигига таъсир кўрсатувчи оммавий аудитория ҳам тушуниши лозим»<sup>14</sup>. Дарҳақиқат, агар илгари жаҳондаги давлатлар куч қўллаш таҳдиди билан халқаро соҳада таъсир ўтказа олган бўлсалар, ядро қуроли пайдо бўлганидан кейин бунинг иложи қолмади. Оқибатда ўз миллий манфаатларини илгари суриш учун бошқача усулларни излашга тўғри келди.

Аммо мафкуравий қарама-қаршилик тўхтаб, совуқ уруш ниҳоясига етганидан сўнг оммавий дипломатиянинг роли анчагина камайди. Бу кўп жиҳатдан 1990 йилда «оммавий дипломатия» ўрнига «юмшоқ куч» («soft power») деган янги атама пайдо бўлганлиги билан боғлиқ. Унинг муаллифи америкалик сиёсатшунос, Гарвард университетининг профессори Жозеф Найдир. У бир неча йиллар давомида ушбу тушунчани ривожлантириб, давлатнинг ҳарбий қудрат ва иқтисодиётга таянадиган «қаттиқ куч»дан «юмшоқ куч»ни ажратувчи бутун бир концепцияни ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, бошқалардан кутилаётган натижаларга кўнгилли тарзда, яъни зўравонлик ва таҳдидларсиз эришиш учун энг мақбул стратегия бўлмиш ақл кучини ишлатиш орқали эришиш зарур бўлиб, унда «қаттиқ» ва «юмшоқ» кучлар мувозанатлашган ҳолда бирлашади<sup>15</sup>.

Оммавий дипломатия ташқи сиёсатнинг техник воситасига нисбатан анча катта ҳодисадир. У амалда халқаро алоқаларнинг ўзгариб турувчи воситасига айланиб бўлди. Бошқа мамлакатларнинг илмий ва сиёсий луғатида «public diplomacy» атамасининг «оммавий дипломатия» ва «ижтимоий дипломатия» деган икки хил таржимасини учратиш мумкин. Мавжуд чалкашлик ҳам ана шундан, чунки ушбу тушунчаларни чалкаштириб бўлмайди. Гап шундаки, «ижтимоий» сўзи бошқа тилларга «социал», «фуқаровий», «халқчил» сифатида таржима қилинади<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, «оммавий дипломатия» («public diplomacy») – хорижий жамоатчиликка мамлакатнинг ташқи сиёсатини изоҳлаш ва у ёки бу хорижий давлатнинг ўз ташқи сиёсий қарорларини муайян иштирокчилар манфаатли ҳолда қабул қилишига туртки бериш учун мўлжалланган турли ҳукумат ва ноҳукумат иштирокчиларнинг фаолиятини англлатувчи умумлашма тушунчадир. Бошқача айтганда, оммавий дипломатия – хорижий жамоатчилик билан мулоқот тизими.

Агар «маданий дипломатия» тушунчасининг ўзини янада чуқурроқ кўриб чиқадиган бўлсак, маданий дипломатиянинг жаҳон сиёсий

<sup>14</sup> Fisher G. H. Public Diplomacy and the Behavioral Sciences. – Bloomington, 1972. – P. 4.

<sup>15</sup> Nye J. S. Soft Power: The Means to Success in World Politics. – N.Y.: Public Affairs, 2005. – P. 63.

<sup>16</sup> Зонова Т. В. Современная модель дипломатии: истоки становления и перспективы развития. – М., 2003. – С. 129.

тафаккурида энг кўп тарқалган таърифларидан бири – «ижобий қараш – глобал ҳамкорликка ундаш – ижтимоий фикрни ўзгартириш – можароларнинг олдини олиш, уларни бошқариш ва юмшатиш» силсиласи бўйича халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ғоялар, ахборот, санъат намуналари, маданиятнинг бошқа турларини ўзаро алмашишдир<sup>17</sup>. Одатда маданий дипломатия субъектлари орасида давлат бошқаруви идоралари, ташқи сиёсий фаолиятдаги яқка ҳукмрон давлат томонидан жалб қилинган хўжалик субъектлари тилга олинади.

Ушбу таъриф муайян афзалликларга эга бўлса-да, баъзи нуқсонлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бундай нуқсонлар мақсадларнинг (халқаро майдонда мамлакатнинг маданий-тарихий жозибadorлигини шакллантириш кабилар сингари) бутун мажмуида, ушбу тушунчанинг турдош тушунчалардан («ташқи сиёсий маданият», «гуманитар дипломатия» ва бошқалардан) фарқида<sup>18</sup>, таркиби ва шаклланишида (маданий дипломатия – энг аввало, чора-тадбирларнинг илмий асосланган ялпи тизимидир<sup>19</sup>); чегаралари (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноанъанавий динларни жалб қилиш ва ҳ.к.) кўзга ташланади. У ёки бу мамлакатнинг маданий дипломатиясидаги ўзига хосликни таҳлил қилишда буларнинг барчасини ҳисобга олиш зарур.

Маданий дипломатия ташаббуслари доирасида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: санъат, шу жумладан театр, кинематография, мусиқа, рақс, рассомлик, ҳайкалтарошлик; кўрғазмалар, шу жумладан ЭКСПО халқаро кўрғазмалари; таълим дастурлари ва академик ҳамда илмий алмашув дастурлари, хорижда тил ўрганиш дастурлари; адабиёт, хорижда кутубхоналар яратиш ва миллий асарларни чет тилларига таржима қилиш; янгиликлар ва маданий дастурларни хорижга узатиш; диний дипломатия, шу жумладан динлараро мулоқот ташаббуслари.

Маданий дипломатиянинг асосий йўналишларидан бири маданий ва академик алмашувлар дастурлари, грант ва стипендиялар, тренинглари, анжуманлар, шунингдек ахборот етказиш каналларига кириш орқали оддий одамлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишдир<sup>20</sup>.

Шундай қилиб, «маданий дипломатия» тушунчаси давлат оммавий дипломатиясининг самарали воситасига айланиши ва мамлакатнинг мақбул қиёфасини шакллантиришга ҳисса қўшиши мумкин. Бу кишиларнинг «қалби ва онгига» таъсир кўрсатишга интилаётган жаҳондаги давлатларнинг ташқи сиёсатида маданий дипломатияни қўллаш зарурлигини белгилаб беради.

---

<sup>17</sup> Waller M. Cultural Diplomacy, Political Influence, and Integrated Strategy // Strategic Influence: Public Diplomacy, Counter propaganda, and Political Warfare – Washington: Institute of World Politics Press, 2009. – P. 19–74.

<sup>18</sup> Fokin V. I. Development of the concepts «foreign cultural policy» and «public diplomacy» in the international affairs of modern states // Вестник Санкт-Петербургского университета. Серия 6: Философия. Культурология. Политология. Право. Международные отношения. – 2003. – № 2. – P. 5.

<sup>19</sup> Мухаметов Р. С. Культурная дипломатия России // Дискурс-Пи. – Екатеринбург, 2010. – № 1–2. – С. 105.

<sup>20</sup> Bound K., Briggs R., Holden J., Jones S. Cultural Diplomacy. – London: Demos, 2007. – P. 24 // URL: [www.demos.co.uk](http://www.demos.co.uk)

Диссертацияда аниқ фактологик жараёнлар асосида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари маданий дипломатияси моделларининг ўзига хосликлари ҳамда охириги ўттиз йил давомида Ўзбекистонда амалга оширилиш жараёнлари таҳлил этилган.

Хорижлик таҳлилчиларнинг фикрларига кўра, замонавий халқаро муносабатларда маданий дипломатиянинг анъанавий моделларидан фойдаланилади, буларнинг ҳар бири ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга миллий ёндашувлардаги ўзига хосликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Булар учта умумлашган моделдан иборат.

Биринчиси давлатнинг ташқи сиёсатини акс эттиради, у тизимли равишда маданиятлараро ҳамкорликни халқаро муносабатлар амалиётига киритади, қатъий марказлашганлиги ва бевосита давлат назорати остида эканлиги билан ажралиб туради, маданиятлараро ҳамкорлик сиёсати эса ҳукумат тузилмалари орқали ёки хорижий мамлакатларда махсус ташкил этилган миллий муассасалар (Франция) воситасида амалга оширилади.

Иккинчи модель билвосита назорат принципига таянади, бунда маданий дипломатия тўлиқ ёки қисман ҳукумат томонидан молиялаштирилади, ташқи маданий сиёсат стратегиясини амалга ошириш учун маъмурий ва мувофиқлаштирувчи жавобгарлик эса ноҳукумат институтларига юкланган (Буюк Британия).

Учинчиси марказ тасарруфидан чиқарилган ташкилий модель бўлиб, бир томондан, давлатнинг нисбий назоратига ва халқаро маданий фаолиятнинг марказлашувига, бошқа томондан эса, ҳукуматдан узоқлашиш принципига таянади, яъни ТИВ ташқи маданий сиёсатнинг расмий раҳбарлик принципларини шакллантиради, стратегияни амалга оширишни эса ноҳукумат ташкилотлари бажаради. Уларнинг фаолияти давлат томонидан унга берилган ваколатлар доирасида молиялаштирилади (Германия)<sup>21</sup>.

Ташкилий маънода, маданий дипломатия қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади: 1) маданият йили, бунда донор мамлакат ўта тантанали ва сиёсийлашган мазкур тадбирнинг барча харажатларини кўтаради; 2) ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган маданият ҳафталари ва кунлари, шунингдек вақти ва ўрни бўйича чекланган фестиваллар бўлиб, уни ўтказишга кўпинча қабул қилаётган мамлакатнинг кўнгиллилари (волонтёрлари) жалб қилинади; 3) маданий ҳамкорликнинг, масалан, фан ва таълим соҳасидаги узоқ муддатли (кўп йиллик) дастурлари<sup>22</sup>.

Гап давлатнинг ташқи сиёсий маданияти ҳақида борганида глобал даражада биринчи қаторни, шубҳасиз, АҚШ эгаллайди. Б.Павловскийнинг<sup>23</sup> илмий ишида анча лўнда ёритилган масаланинг аввалги тарихига алоҳида

---

<sup>21</sup> Lending M. Change and Renewal. Norwegian foreign cultural policy 2001–2005. Report // URL: <https://odin.dep.no/ud/english/doc/reports/032001-990437/dok-bn.html>

<sup>22</sup> Козлов Л.Е. Культурная дипломатия как ресурс регионального развития // Ойкумена. – 2017. – № 1. – С.62.

<sup>23</sup> Павловский Б. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» и проводник национальных ценностей // URL: <http://eurasian-studies.org/archives/2034>

тўхталмаган ҳолда ушбу ишда 1990-йиллардан бошлаб америкача ташқи маданий сиёсатни ривожлантириш тенденцияси таҳлил қилинганлигини кўрсатиб ўтиш жоиз. СССР таназзулга юз тутганидан сўнг АҚШ ҳукуматининг ташқи сиёсатидаги «норасмий» мафкуравий қурол бўлимиш америкача маданият турли жабҳаларда намоён бўлгани ҳолда жадал тарқалиб борди. Шу ўринда глобаллашувнинг маданий жиҳати деб аталмиш ҳодисани тилга олиш жоиз. Кўпинча америкача маданий империализмга қийсланадиган ушбу мураккаб масала XX асрнинг 90-йилларига келиб ўта долзарб тус олди, кўплаб мунозараларга сабаб бўлди. Шу боис у алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши мумкин.

АҚШ етакчилиги остидаги «маданий» глобаллашувнинг сарчашмалари Европа Уйғониш даврига бориб тақалади. Италиядаги Ренессансдан бошлаб ушбу жараён Франция, Англия ва сўнгра АҚШ маданий таъсири жараёнидан ўтди. Ушбу таъсир географияси ҳар сафар кенгайиб борди. Масалан, италянча Уйғониш даврининг мавқеи Ғарбий Европа билан чекланди, қолган дунё эса ўз маданий ҳаёти билан яшашда давом этди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги французча маданий экспансия бутун Европага тарқалди, XIX асрдаги инглизча таъсир эса қамровига кўра глобал ҳодисага айланди. Америкача маданий анъанани ҳеч муболағасиз бутун ер қуррасига тегишли деб аташ мумкин – XX аср охирига келиб ер қуррасида аҳолиси «Рок», «Пепси» ёки «Голливуд» тушунчаларини билмайдиган ҳеч бир мамлакат қолмади.

Шубҳасиз, оммавий маданият «америкача маданият» ҳодисасидир. Ушбу ибора илк бор атама сифатида 1941 йилда Хоркхаймернинг «Санъат ва оммавий маданият»<sup>24</sup> асарида қўлланилган. Ушбу тушунчанинг синонимлари сифатида «оммавий маданият» ёки «поп-маданият», «кўнгил очиш саноати», «тижорат маданияти» ва бошқа иборалардан ҳам фойдаланилади.

З.Бжезинский ўз монографиясида таъкидлаб ўтганидек, «агар Рим дунёга – ҳуқуқни, Англия – парламент фаолиятини, Франция – маданият ва республикача миллатчиликни тақдим этган бўлса, АҚШ жаҳонга илмий-техник тараққиёт ва оммавий маданиятни олиб кирди»<sup>25</sup>.

Ўзбекистон ҳам, собиқ совет республикалари сингари, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг маданий таъсир (аниқроғи, экспансия) объектига айланди. Бунда Қўшма Штатлар алоҳида ажралиб туради. Бу, энг аввало, аудиовизуал соҳа, кинофильмлар, шунингдек мультипликацион фильмлар бозори бўлиб, ушбу маҳсулотлар нафақат кинотеатрларни, балки телевидениени ҳам тўлдириб ташлади. Турли хусусиятга эга бўлган маданиятнинг умумий мезонларини тарғиб қилувчи ва шакллантирувчи АҚШ фильмлари ҳаддан зиёд кўпайди.

Ушбу ҳодиса билан бир қаторда икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама алоқалар жадал ривожлана бошлади.

---

<sup>24</sup> Боровикова Н. М. Феномен массовой культуры: «Реальная» (истинная) культура или псевдокультура? // URL: <http://www.gramota.net/materials/3/2016/1/5.html>

<sup>25</sup> Brzezinski Z. Between Two Ages. America's Role in the Technotronic Era. – N.Y., 1970. – P. 50.

Хусусан, ушбу фаоллик таълим ва фан соҳасида яққол кўзга ташланди. 1992 йил 20 апрелда Америка Халқаро тадқиқотлар ва илмий алмашувлар кенгашининг Тошкентдаги ваколатхонаси АЙРЕКС (IREX – International Research & Exchanges Board), сўнгра нуфузли халқаро ташкилот – Америка халқаро таълим кенгаши (ACCELS-American Councils for International Education) ваколатхонаси очилди. Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг ахборот, маданият ва маориф бўлими таълим соҳасидаги алмашувлар бўйича қатор дастурларни, масалан, Уильям Фулбрайт дастури, Хьюберт Хамфри дастури, кичик ўқитувчилар таркибини ривожлантириш дастури, ОТМ битирувчилари учун Эдмунд Маск стипендиялар дастури (ҳар йили 250 дан ортиқроқ стипендиантлари бор) ва бошқа дастурларни амалга оширмоқда<sup>26</sup>.

Франция Европанинг бошқа етакчи мамлакатларидан ташқи маданий сиёсатининг глобаллиги билан ажралиб туради. Франция маданий дипломатияси қадимдан ушбу мамлакатнинг маданиятини оммалаштиришда ва жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан дўстона муносабатларни сақлаб туришда сезиларли роль ўйнамоқда. Масалан, ўрта асрларда бу мамлакат ўзини ер юзидаги жаннат сифатида намоён этган<sup>27</sup>. Юқорида таърифлаб ўтилганидек, XVI асрдан бошлаб маданий дипломатия Франция ташқи сиёсатининг асосий бўғинига айланди.

С. А. Малороссиянованинг фикрига кўра, бугунги босқичда Франция хорижда маданий сиёсат олиб боришнинг аниқ ишлаб чиқилган тизими ва дастурига эга ягона мамлакатдир. Айнан шу боис Францияда маданият ва сиёсат чамбарчас боғлиқ<sup>28</sup>.

Узоқ вақт давомида муваффақиятли ташқи сиёсат олиб бораётган жамоатчилик ташкилотини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У 1883 йилда ташкил этилганлигига қарамасдан, ҳозирги босқичда янада машҳур бўлиб кетди. Бугунга келиб «Альянс Франсез»нинг халқаро тармоғи жаҳоннинг 146 мамлакатада 800 дан ортиқ ташкилотларга эга. Турли миллатларга мансуб бўлган 500 мингдан ортиқ киши «Альянс Франсез»да француз тилини ўрганмоқда<sup>29</sup>. Ушбу ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари: маданий алмашувлар, университетлар талабалари ва ўқитувчилари ўртасида ўзаро алмашувни амалга ошириш; француз тилини бутун жаҳонга тарқатиш; Франция маданиятини оммалаштиришга йўналтирилган кўргазма, ярмарка, форум ва фестиваллар ўтказиш; маданият, таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

---

<sup>26</sup> Юлдашева Г. США и Узбекистан – обзор пройденного пути и вопросы будущего // URL: <https://caanetwork.org/archives/8342>

<sup>27</sup> Скрипкарь М. В. Общественные мечты: от «золотого века» к «стране изобилия» // Социосфера. – 2013. – № 1. – С. 128–130.

<sup>28</sup> Малороссиянова С. А. Эволюция и перспективы развития культурной дипломатии Франции // Современные научные исследования и инновации. – 2014. – № 3 // URL: <http://web.snauka.ru/issues/2014/03/31654>

<sup>29</sup> Сеть «Альянс Франсез» по всему миру // URL: <http://af-tachkent.uz/index.html>

Ўзбекистонда француз маданий дипломатиясини «Виктор Гюго» Француз маданият маркази, Тошкентдаги шахридаги француз мактаби, Тошкент Француз Альянси каби ташкилотлар намоён этмоқда.

Германия Европа Иттифоқидаги иқтисодий жиҳатдан энг кудратли мамлакатдир. Германиянинг маданият соҳасидаги ташқи сиёсати маданий экспансиядан бошлаб «маданиятлар мулоқоти» стратегиясига қадар узок йўлни босиб ўтди. Ҳозирги вақтда Германия ташқи сиёсати таянадиган учта асос (мумтоз дипломатия, иқтисодий сиёсат ва маданий дипломатия) орасида маданий дипломатия муносиб ўрин эгаллаб турибди.

А.Г.Зиминнинг фикрига кўра, ташқи маданий алоқалар билан, Германия Ташқи ишлар вазирлигидан ташқари (бу ерда 10 та департамент ўртасида Маданий ҳамкорлик деб номланувчи олтинчи департамент ҳам мавжуд), вазирликнинг топшириғига кўра биринчи гуруҳга мансуб воситачилар ҳам шуғулланади. Гёте номидаги институт, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD), Халқаро маданий алоқалар институти (IFA), Гумбольдт жамғармаси кабилар Германиянинг энг йирик ташкилотларидир. Масалан, Гёте номидаги институт жаҳоннинг 93 та мамлакатада 150 та бўлинмасига эга бўлиб, улар орқали Германия немис тили ва немис маданиятига қизиқувчи барчага ҳамкорлик таклиф этади. Гёте институти немис тили курсларини ташкил этмоқда, хориждаги немис тили ўқитувчиларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашмоқда, бошқа мамлакатларда маданий тадбирлар, илмий тадқиқотлар ва мунозаралар ташкил этмоқда<sup>30</sup>.

Мазкур институт Ўзбекистонда Тошкент шахрида жойлашган бир маданий марказ орқали ўзини намоён этмоқда. Тошкентдаги Гёте институтининг энг муҳим мақсадларидан бири (тилдан ташқари) халқаро маданий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашдир<sup>31</sup>.

1990-йиллар охирига қадар маданий дипломатия Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлмаган. Фақат 1999 йилда ТИВ ҳузурида Маданият, фан ва таълим арбоблари кенгаши тузилди, 2001 йилда эса Россия дипломатияси тарихида ташқи дунё билан маданий ҳамкорликнинг мақсад ва вазибалари, хусусияти ҳамда механизмини концептуаллаштиришга илк уриниш бўлган «Россия ТИВнинг хорижий мамлакатлар билан Россиянинг маданий алоқаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тасдиқланди<sup>32</sup>.

«Россотрудничество» ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг Байналмилал маданий маркази, Рус маданият маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Татар маданият маркази, А.Валидий номидаги Бошқирд ижтимоий-маданий маркази, «AVDET» крим-татар миллий маданий маркази,

---

<sup>30</sup> Зимин А. Г. Культурная дипломатия Германии // Государственный советник. – 2014. – № 1. – С. 137.

<sup>31</sup> Тошкентда Гёте институтига 1998 йилда ҳукуматлараро битимга мувофиқ асос солинган // Гете-институт: Десять лет в Ташкенте – URL: <https://www.fergananews.com/articles/5866>

<sup>32</sup> Дипломатическая служба: Учеб. пособие / под. ред. А.В. Торкунова, А.Н. Панова. – М.: Аспект Пресс, 2017. – С. 250.

Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси билан илмий, маданий, иқтисодий, ахборот ва ижтимоий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўз ташқи сиёсий фаолиятида маданий дипломатиядан мохирона фойдаланаётган Хитой маданий дипломатияси сўнгги вақтларда фақат жадаллашмоқда ҳамда ШХТ доирасида ва «Бир белбоғ, бир йўл» ташаббуслари маъносидаги Пекин манфаатларини илгари суришнинг муҳим омилига айланди.

Хитой маданий дипломатияси ҳақидаги дастлабки тасаввурлар ХХРнинг «юмшоқ кучи»ни илгари суриш учун муҳим воситалардан бири бўлган Конфуций институтларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Дастлабки Конфуций институти 2014 йил ноябрда Жанубий Корея пойтахти Сеулда ташкил этилган. Шу вақтдан бошлаб Конфуций институтлари бутун жаҳон бўйлаб очила бошлади<sup>33</sup>. Осиё мамлакатларида ҳозирги вақтда 100га яқин Конфуций институтлари ва 30дан ортиқ хитой тили курслари иш олиб бормоқда. Улардан 29 та Конфуций институти ва 15 та тил ўрганиш курси АСЕАН мамлакатларида иш олиб бормоқда<sup>34</sup>.

Марказий Осиёда дастлабки Конфуций мактаби 2005 йил май ойида Тошкентда очилган бўлиб, унда талабалар, илмий ходимлар ва бошқалардан иборат 350 нафар тингловчи билим олган. У ташкил этилганидан буён курсларни 2,5 мингдан кўпроқ ёшлар битириб чиқди. ХХР раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистонга ташрифи доирасида яна бир Конфуций институтини Самарқандда барпо этиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

2014–2015 ўқув йилида ХХР ҳукумати икки томонлама битимга кўра ва ШХТ доирасида 120 нафар ўзбек талабалари ва стажёрларига грант тақдим этди. Конфуций номидаги институт йўналиши бўйича Ланчжоу университетида 50 га яқин талаба билим олмоқда<sup>35</sup>. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги бешта университетда хитой тили курслари очилди. ШХТ доирасида ҳар йили Ўзбекистонга Хитой ОТМларида ўқиш учун 20 та жой (квота) ажратилмоқда<sup>36</sup>.

**Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ташкилий-ҳуқуқий асослари»** номли иккинчи боби ҳозирги мураккаб халқаро муносабатлар тизими шароитида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ва маданий дипломатиясининг омили, шунингдек Ўзбекистонда маданий дипломатиянинг ташкилий-ҳуқуқий жараёнларини ёритишга бағишланган.

---

<sup>33</sup> Ногаева А. М. «Культурная дипломатия» или «мягкая сила» Китая: на примере Центральной Азии // URL: <https://docplayer.ru/44443495-Kulturnaya-diplomatiya-ili-mygakaya-sila-kitaya-na-primere-centralnoy-azii.html>

<sup>34</sup> Ўша жойда.

<sup>35</sup> Сотрудничество Республики Узбекистан со странами АТР // URL: <https://mfa.uz/ru/cooperation/countries/61/>

<sup>36</sup> Ногаева А. М. Кўрсатилган асар.

Маълумки, 1990-йиллар бошидаги жаҳон сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида социалистик лагерга барҳам берилиши билан боғлиқ қандайдир умумий кўтаринкилик кузатилди. Бу даврда ташқи сиёсий таълимотлар тизимида либерал мафкура муайян вақтгача фаол ва етакчи мафкура бўлиб турди. Ундан илғор ғояларнинг умумий манбаи, айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун қўлланма сифатида фойдаланила бошланди. Бу ғоялар «хомийлари»нинг фикрига кўра, бу мафкура янги дунёвий тартибот қандай бўлиши лозимлиги, қайси йўлдан бориш кераклиги, жумладан, дунёнинг бехатар ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун янги мустақил давлатлар нима қилиши лозимлиги борасидаги саволларга жавоб бериши мумкин эди. Бироқ берилган тавсиялар кутилганидан бир мунча мураккаброқ бўлиб чиқди. Ҳатто бир қатор ривожланган мамлакатлар ҳам янги геосиёсий ва иқтисодий вазиятга тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Бу жараёнларни таҳлил қилган америкалик мутахассис ва давлат арбоби Г.Киссинжер куйидаги фикрларни билдирди: «...Янги дунёвий тартиботни барпо этишга киришган бирон етакчи мамлакат вужудга келаётган кўп давлатли тизим доирасида мавжуд бўлишнинг заррача ҳам тажрибасига эга эмас. Илгари ҳеч қачон янги дунёвий тартибот бу қадар турли-туман тасаввурлар асосида, бу қадар глобал кўламда яратилмаган эди. Илгари ҳеч қачон ўзида умумдунёвий демократик тафаккур, шунингдек жадал ривожланаётган замонавий технологиялар билан мувозанатнинг тарихий тизимлари рамзларини ўзида бирлаштирган тартибот мавжуд бўлмаган»<sup>37</sup>.

Диссертацияда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг охиригидеяри ўттиз йил давомида олиб борган ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар тизимида иштироки ва миллий дипломатияси<sup>38</sup>, шу жумладан, маданий дипломатияси соҳаларидаги амалиёти икки даврни бошидан кечирди. Дастлабкиси – 1991–2016 йилларни қамраб олди ва албатта, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов фаолияти билан боғлиқ бўлди. Иккинчи давр эса 2017 йилдан бошланди. Бунда Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ҳамда ташқи сиёсат ва миллий (маданий) дипломатия борасидаги амалий қадамлари асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, тадқиқотчи турли ёндашувларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталмасдан, ўзбек дипломатиясининг халқаро муносабатлар тизимида интеграцияси жараёнида кузатилган ва республика раҳбариятининг қисқа тарихий даврда олиб борган ташқи сиёсатининг йўналиш ва концепциялари халқаро муносабатлар назариясининг қайси концепцияси билан уйғун келишини очиқ беришга ҳаракат қилган.

---

<sup>37</sup> Киссинджер Г. Дипломатия / Пер. с англ. В. В. Львова. – М.: Ладомир, 1997. – С. 18.

<sup>38</sup> Биз «ташқи сиёсат», «халқаро муносабатлар» ва «дипломатия» тушунчаларининг таърифида куйидаги ишларда алоҳида тўхталиб ўтганмиз: Сайфуллаев Д. Б. Ташқи сиёсат ва дипломатия ривожланишини тизимли тадқиқ этишнинг долзарб масалалари // Шарқшунослик. – 2014. – № 3–4. – Б. 15–21; Сайфуллаев Д. Б. Дипломатияни тадқиқ қилишда анъанавий ва замонавий ёндашувлар // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – 2015. – № 1/5. – Б. 158–162.

Хусусан, халқаро муносабатлар назарияси фан сифатида янги ва энг янги тарихий даврларда шаклланган бўлса-да, халқаро муносабатларда кечаётган жараёнларни, шу жумладан, дипломатия назарияси ва амалиётини турли нуқтаи назарлардан ўрганиш концепцияларида асосан икки йўналиш, яъни реализм ва либерализм оммалашган<sup>39</sup>. Агар охириги бир неча ўн йиллик давр кузатиладиган бўлса, жаҳон халқаро муносабатлари тизимида либерал ёндашувларнинг устуворлик аҳамияти сусайишини ҳамда можароли вазиятларни, шунингдек геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадларга эришишда куч ишлатиш ёки протекционизм усулларига урғу бериладиган реалистик ёндашувга алмашганини кўриш мумкин.

Юқорида қайд этган икки даврга халқаро муносабатлар назариясидан келиб чиқиб баҳо бериладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати, дипломатиясининг ташкилий-институционал ривожига, қабул қилинган концепциялар доирасидаги амалий ишларда мамлакатга И. Каримов раҳбарлик қилган даврда реалистик ёндашув устунлик қилгани, Ш. Мирзиёев даврига келиб эса либерализмга асосланган ёндашувга урғу берилётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий маданий дипломатия соҳасидаги дастлабки тажрибасини ҳам юқорида кўрсатилган даврлаштириш асосида ўрганиш жоиз. Республикамиз Иттифоқ таркибида бўлганида унинг раҳбарияти томонидан олиб борилган ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг пассив иштирокчиси, бошқача айтганда, ёлланган фаоли сифатида қатнашган. 1950-йиллардан 1990-йилларга қадар давом этган давр ичида Ўзбекистон халқаро майдонга мустақил чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ўз фаолиятини Иттифоқ раҳбариятининг қатъий назорати ва кўрсатмаларига бўйсундирилган ҳолда амалга оширган бўлса-да, замонавий халқаро маданий алоқалар, шу жумладан, маданий дипломатия соҳасида дастлабки тажрибага ҳам эга бўлинди. Соҳа бўйича дастлабки кадрлар ҳам айнан шу даврда шакллана бошлади.

Маданий дипломатиянинг муҳим омили сифатида тарихий-маданий мерос ҳақида фикр юритганда, аввало, асрлар давомида цивилизациявий мулоқот марказларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва бошқа соҳалар билан бир қаторда, шаҳарсозлик маданияти ҳам қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келганлигини таъкидлаш лозим. Турли тарихий даврларда вайронгарчиликлар келтирган истилолар ҳам минтақанинг жадал ривожланишига тўсқинлик қила олмаган. Вайрон этилган шаҳар ва қишлоқлар халқимизнинг бунёдкорлик ишлари туфайли қайта тикланиб, янада кўркамлашган.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз каби қадимий шаҳарларимиз ана шулар жумласидан бўлиб, уларнинг энг гуллаб-яшнаган вақти соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлик қилган даврга тўғри

---

<sup>39</sup> Бу ҳақда қаранг: Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон Республикаси дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (1991–2016). – Т.: Мухаррир, 2018. – 176 б.

келади. Бу шаҳарлар буюк салтанатнинг маъмурий-сиёсий ва маънавий марказлари ҳисобланган. Уларда кўплаб гўзал бино ва иншоотлар барпо этилиб, вақт ўтиши билан жаҳоннинг ноёб меъморий ёдгорликлари қаторидан ўрин олди<sup>40</sup>.

Марказий Осиё худудида кечган турли тарихий жараёнлар, табиий-иқлим ўзгаришлари ва инсон фаолиятининг таъсири натижасида XX аср охирига келиб бой меъморий мероснинг катта қисми харобалар кўринишидагина сақланиб қолган. Умуман, 1980-йиллар охирига келиб, республикамизда 7 мингдан зиёд ёдгорликлар, жумладан 575 та тарихий, 1457 та санъат, 545 та архитектура ва 4 мингдан ортиқ археологик ёдгорликлар давлат ҳимоясига олинди<sup>41</sup>. Ўзбекистоннинг меъморий обидаларга бой 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган.

Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, маданий дипломатиянинг вазибаларига – давлатнинг икки томонлама муносабатларини ривожлантиришда савдо, сиёсий, дипломатик ва иқтисодий манфаатларига кўмаклашиш билан бирга – хориждаги ва ўз мамлакатидаги миллий гуруҳлар (диаспоралар) билан алоқаларни ривожлантириш ҳам киради. Зеро, диаспоралар кескинлик юзага келган даврда икки томонлама муносабатларни сақлашга ёрдам беради<sup>42</sup>.

Маданиятлар, этнослар, конфессиялар, тиллар, анъаналар, урф-одатларнинг кенг тармоғи билан ифодаланган Марказий Осиёдаги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ривожланиш жараёни алоҳида қизиқиш уйғотади. Мультимаданий минтақанинг ривожланиши цивилизациялараро мулоқотда амалга оширилган тажриба тўғрисида сўз юритишга имкон беради. Диний қадриятлар жамиятнинг маданий таркибий қисми тикланишида устувор йўналиш ҳисобланади. Шунингдек, миллий ва диний мафкура ҳам кўпгина умумий жиҳатларга эга. Биргина мақсад – инсонлар бирлиги, уларнинг ушбу жамиятда биргаликда тинч яшашини таъминлашдир<sup>43</sup>.

Диссертацияда маданий дипломатиянинг ташкилий-ҳуқуқий шаклланиш жараёни ўрганилиб, бу жараён икки босқичда кечганлиги қайд этилди. Хусусан, мамлакат ташқи сиёсатининг асослари ва институционал тузилмалари, шу жумладан, маданий дипломатиянинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тарихан қисқа вақт ичида демократик принципларга мувофиқ шакллантирилди. Ушбу жараёнда мамлакат ташқи сиёсатининг асослари ва институционал тузилмалари шакллана бошлади. Ташқи сиёсатнинг миллий

---

<sup>40</sup> Абриев Р. Б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари (Зарафшон воҳаси мисолида). – Т.: Фан, 2015. – Б. 16–17.

<sup>41</sup> Крюков К. С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920–1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. – 1991. – № 2. – С. 12.

<sup>42</sup> Kirsten Bound, Rachel Briggs, John Holden and Samuel Jones. Cultural Diplomacy (London: Demos, 2007). – P. 54–55.

<sup>43</sup> Абидов Д. Т. Государственная политика независимого Узбекистана в сфере религии и культура её освещения в республиканской печати: Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2007. – С. 13–14.

стратегияси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон унга изчил амал қилган ҳолда халқаро муносабатларнинг замонавий тизимига қўшила бошлади.

Агар дастлабки босқичда (1991–2016 йилларда) урғу ташқи сиёсатнинг асосий унсурларига берилган бўлса, 2017 йилдан бошлаб маданий дипломатияга ён босилди. Натижада, бевосита маданият соҳаси, унинг тузилмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва асосийси, уларнинг ташқи маданий алоқалардаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган қатор муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

Шундай қилиб, диссертацияда мустақиллик йилларида жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, маданий дипломатиянинг норматив ва институционал асослари босқичма-босқич шаклланиб борганлиги, бу жараён айниқса 2017 йилдан авж олиб, маданий дипломатия ташқи сиёсат ҳамда халқаро муносабатларнинг етакчи тармоғига айланганлиги ўз исботини топди.

Диссертациянинг «**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданий дипломатияси: босқичлари ва хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда 1991–2016 йилларда маданий дипломатиянинг одимлари ва муаммолари ҳамда 2017 йилдан бошланган ислохотларнинг янги босқичида Ўзбекистон маданий дипломатиясининг йўналишлари ўрганилган.

Халқаро алоқалар тизимида маданий соҳанинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Ўзбекистоннинг халқаро майдонга кириб бориши, жаҳон мамлакатлари ва ташкилотлари билан интеграциялашуви жараёнларида маданий соҳанинг роли ошиб бормоқда. Ҳар қандай мамлакат, аввало, ўзига хос тарихи ва маданияти билан ажралиб туради. Бу эса унинг имижини шаклланишига таъсир этади.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳам халқаро алоқалар тизимига интеграциялашув жараёнида турли усул ва воситалар орқали ўз тарихи, маданий мероси, анъана ва қадриятларини таништириш орқали мамлакатимиз мустақил маданий дипломатиясини олиб бориш тажрибасига эга бўлди.

Бу жараён ҳозирги вақтга қадар икки йирик босқични босиб ўтди. Унинг дастлабкиси 1991–2016 йилларга тўғри келди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги давлат қурилиши, сиёсий ислохотлар, бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ қатор муаммоларнинг ечимини топиш баробарида, мамлакат ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳам бажариш зарур эди. Бу жараёнда маданий дипломатия соҳасида ҳам илк қадамлар қўйилди ва тегишли натижаларга эришилди.

1990-йилларда маданий дипломатияни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси (бундан кейин – Ўз ХАМУ) ташкилотининг ўрни катта бўлди. Уюшма 1992 йил 16 июнда қайта ташкил топиб, 1997 йил 26 майдан 2017 йилга қадар ўз

фаолиятини Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши сифатида давом эттирди. Ўз ХАМУ ихтиёрий равишда мамлакатимиз фуқароларининг уюшмалари, клублари, ҳаракатлари ва бошқа бирлашмаларининг халқаро маданий алоқаларини мувофиқлаштирган ҳолда бирлаштиради. Айрим маълумотларга қараганда, 1990-йилларда улар қаторида «Ўзбекистон – АҚШ», «Ўзбекистон – Франция», «Ўзбекистон – Туркия», «Ўзбекистон – Германия» каби 30 дан ортиқ жамиятлар фаолият кўрсатган<sup>44</sup>.

Мустақил Ўзбекистон маданий дипломатиясининг йўлга қўйилиши ва ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ўрни ва роли салмоқлидир. Вазирлик тизими функцияси ва мажбуриятларига асосан мамлакатда маданият соҳасини мувофиқлаштириш ва бошқариш билан бир қаторда, республика халқаро алоқаларга доир ишларни ташкиллаштиришда халқимизнинг маданияти ва тарихини тарғиб этиш ва жаҳон оммасига етказиш вазифасини бажаради.

Ушбу функцияларни Вазирлик Иттифоқ даврида ҳам бажариб келган. Совет даври билан мустақиллик йилларини қиёслаганда халқаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда қуйидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин. Агар 1990 йилда бу соҳада Вазирлик ишларининг асосий ҳажми бадиий жамоалар, гуруҳлар, айрим санъаткор ва мутахассисларни хорижга тайёрлаш ҳамда юбориш билан чекланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб халқаро маданий алоқалар соҳасидаги ишларда Вазирликнинг функциялари кўпайган. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

– маданият соҳасидаги ҳамкорликка доир шартнома ва келишувлар мазмунини шакллантириш;

– хорижий давлатларнинг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан маданий ҳамкорликнинг шартномавий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– Вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар томонидан имзоланган шартнома ва келишувлар ижросини мувофиқлаштириш ва ҳ.к.<sup>45</sup>

Ўзбекистон маданий дипломатиясини жаҳон миқёсида ташкил қилиш ва ўтказишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг ўрни ва роли беқиёс бўлганлигини эътироф этиш керак. Жаҳон ҳамжамиятида обрўга эга бўлган ушбу тузилма дунё халқларининг маданий ва маънавий жиҳатдан ўзаро яқинлашувига ва турли маданий байрамларнинг ўтказилишига ҳисса қўшиб келмоқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган юбилей тантаналари асосан 1990-йиллар ўрталаридан бошланган. Жумладан, 1994 йилда буюк астроном ва математик олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда эса Буюк ипак йўлининг барқарор ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшган буюк давлат арбоби, лашкарбоши Амир Темир таваллудининг 660 йиллиги

<sup>44</sup> Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т., 2002. – С. 156.

<sup>45</sup> ЎзМДА. М-7 фонд, 2-рўйхат, 104-йиғмажилд, 14-варак.

шарафига юбилей тантаналари ўтказилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган Улуғбек ҳафталиги юбилей тантаналари ўтказилди. Унда республикамизнинг 31 кишидан иборат бир гуруҳ маданият ва санъат ходимларидан иборат расмий делегацияси иштирок этди<sup>46</sup>.

XXI асрнинг дастлабки ўн йилини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда халқаро миқёсда нишонланган тантаналар сони ва салмоғи янада ошганини кузатиш мумкин. Масалан, тарихий шаҳарлар юбилейларининг ўтказилиши республиканинг қадимий шаҳарлари ва муқаддас зиёратгоҳлари қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон маданий дипломатияси ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг яна бир ажойиб маҳсули Самарқанд шаҳрида ҳар йили ўтказилиб келаётган «Шарқ тароналари» анъанавий Халқаро фестивалидир. Унинг илк тадбири Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 1997 йил 28-29 август кунлари бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 31 та мамлакатидан ижрочилар ва икки Халқаро кенгашдан вакиллар қатнашди<sup>47</sup>.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқий санъатининг муштараклиги» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам ўтказилди<sup>48</sup>. Муҳими шундаки, бу тадбир жаҳон миқёсида муваффақият қозониб, иштрокчилари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Масалан, 1997 йилда ташкил этилган илк фестивалда 31 та давлатдан мусиқий гуруҳ ва ижрочилар ташриф буюрган бўлса, кўп ўтмай «Шарқ тароналари» нафақат Ўрта Осиёдаги, балки жаҳон миқёсидаги машҳур фестиваллар қаторидан жой олиб улгурди. 2019 йилда ўтказилган XII «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирокчи давлатлар сони 75 тага етди. Фестиваль давомида мусиқанинг турли жиҳатларига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказиш анъанага айланди. Бу анжуманлар доирасида олимлар фикр ва тажрибалар алмашиш имконига эга бўлишди<sup>49</sup>.

Ушбу ташкилот билан ҳамкорликнинг яна бир муҳим натижаси шу бўлдики, 2008 йилда «Бойсун минтақаси маданий муҳити» ва «Шашмақом» мусиқаси, 2009 йилда «Катта ашула», 2014 йилда «Аския», 2016 йилда эса «Наврўз» ҳамда «Палов маданият ва анъанаси» ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий мерос дурдоналари рўйхатига киритилди<sup>50</sup>.

Ўзбекистон маданий дипломатияси ривожининг дастлабки босқичда мамлакатимиз ва халқимиз тарихи ва маданиятини қадрлайдиган фидойи инсонлар, хорижлик мутахассисларнинг роли катта бўлди. Буни Японияда

<sup>46</sup> ЎзМДА. М-7 фонд, 2-рўйхат, 108-йиғмажилд, 1-варак.

<sup>47</sup> ЎзМДА. М-7 фонд, 1-рўйхат, 614-йиғмажилд, 4-варак.

<sup>48</sup> Халқ сўзи. – 1997. – 4 сент.

<sup>49</sup> Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивали расмий сайти // URL: <http://sharqtaronalari.uz/en/pages/o-festivale>

<sup>50</sup> Arts education in the Republic of Uzbekistan: building creative capacities for the 21st century. Analytical concept paper (situational analysis and development prospects). Tashkent, 2010. // <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000212166>; В Репрезентативный список нематериального культурного наследия человечества включено пять новых элементов // <https://ru.unesco.org/news/v-reprezentativnyy-spisok-nematerialnogo-kulturnogo-naslediya-chelovechestva-vklyucheno-pyat>; Palov culture and tradition // <https://ich.unesco.org/en/RL/palov-culture-and-tradition-01166>

Ўзбек ёзувчиларининг, хусусан буюк Алишер Навоий ижодига қизиқишнинг ортиб боришига ҳисса қўшган Сока университетининг ректори Масами Вакаени алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. У япониялик ёшларга Алишер Навоий ижоди тўғрисида билим бериш ниҳоятда зарур деб ҳисоблайди ва шу боис Алишер Навоийнинг бир қатор асарларини япон тилига ўгирган. Ўзбекистон Бадиий академияси мазкур университетга Алишер Навоий ижодига бағишланган тасвирий асарларни ҳамда Сока университети музейи учун улуғ шоирнинг портретини совға қилди<sup>51</sup>.

Япониялик Сока (Осака) университети профессори, археолог, тарихчи, этнограф-археолог ва таржимон Като Кюдзо Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқалар ривожига катта ҳисса қўшган. Япон олими 40 йилга яқин вақт давомида Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ўтказди. Профессор Като узоқ йиллар Сурхондарё вилоятида жойлашган Далварзинтепа, Қоратепа ва Фаёзтепа ёдгорликларида буддавийлик ибодатхоналарини ўрганиш мақсадида уюштирилган халқаро ўзбек-япон экспедицияларининг тадқиқотларига раҳбарлик қилди. Унинг «Термиз ҳақида», «Ўрта Осиёда буддавийлик ёдгорликлари тарихи», «Хоразм», «Ўрта Осиё ёдгорликлари бўйлаб саёҳат» каби асарлари нашр этилган.<sup>52</sup>

Сиэтл ва Тошкент биродарлашган шаҳарлари кўмитасининг аъзоси, 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек халқининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, рақслари бўйича тадқиқот олиб борган Лауриэль Виктория Грей ҳамда Марказий Осиё халқларининг анъаналари ва тарихини чуқур ўзлаштирган, ўзбек тилининг АҚШдаги билимдони профессор Ильза Сиртаутаснинг икки халқ биродарлигини ривожлантиришдаги хизматлари катта<sup>53</sup>.

Марказий Осиё уйғониш даврининг маданиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш орқали Ўзбекистон маданий дипломатиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган америкалик таниқли олимлардан бири, Жонс Хопкинс университетининг Пол Ницше номли Халқаро муносабатлар олий мактаби ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг раиси Фредерик Стар 2005 йил апрель ойида мутахассислар орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган «Катта Марказий Осиё» концепциясининг тақдимотини ўтказди<sup>54</sup>.

2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон ташқи сиёсатида туб бурилиш ясалди. Бунга Ўзбекистон Республикасининг янги Президенти Ш.М. Мирзиёев асос солди. «Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш» Президент раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада

<sup>51</sup> ЎЗР Маданият вазирлиги ЖА. – 1997. – Япония билан ҳамкорлик ҳақида маълумот.

<sup>52</sup> International Caravanserai of Culture of Ikuo Hirayama // <https://www.facebook.com/CaravanseraiOfCulture/posts/2620448517993352/>

<sup>53</sup> Умарова Н. Рақс миллатларни бир-бирига яқинлаштиради // Маданият. – 2018. – 20 сент.

<sup>54</sup> Rediscovering Central Asia Summer 2009. Wilson Quarterly. – P. 33-43.

ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди<sup>55</sup>.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг нуфузли мамлакатлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро алоқаларини чуқурлаштирди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги қўшни мамлакатлар билан яқин қўшничилик муносабатларини йўлга қўйди. Умуман олганда, бу даврда Ўзбекистон кўплаб етакчи халқаро ва минтақавий акторлар билан прагматик муносабатларни йўлга қўйди.

Ўзбекистон янги раҳбарининг «очик эшиклар» сиёсати ҳамда катта ҳажмдаги чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга олиб кириш борасидаги саъй-ҳаракатига мустақилликнинг дастлабки чорак асри давомида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида, шунингдек ички ижтимоий-иқтисодий сиёсатда йўл қўйилган камчиликлар ва муаммолар, аввало мамлакатимизнинг ривожланишдаги зиддиятли ҳолатлар сабаб бўлди. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва нуфузига келсак, мамлакатимизнинг барқарорлиги ва сиёсий суверенитетининг бардавомлиги ҳозирги глобаллашув жараёни авж олган даврда минтақа тинчлиги учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Таниқли сиёсатшунос З. Бжезинский бу борада: «Ўзбекистоннинг мустақиллиги Марказий Осиёнинг бошқа давлатларининг омон қолиши учун ўта муҳимдир»<sup>56</sup>, деган эди.

Ўзбекистон қўшни республикалар билан алоқалар фаолиятининг янги босқичида асосий эътиборни ташқи сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан бир қаторда, маданий дипломатияга қаратди. Биргина 2017 йилнинг ўзида қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш» тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда»<sup>57</sup>.

Тадқиқотда Ўзбекистон Президентининг 2017–2019 йилларда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан ўтказган ўнлаб учрашув ва ташрифларининг яқунларига, дўстлик ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, савдо, сайёҳлик, таълим, фан, маданият, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертацияда минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган стратегияни амалга оширишда қўшни

---

<sup>55</sup> URL: <https://daryo.uz/k/2017/02/07/ozbekiston-prezidenti-2017-2021-yillarga-moljallangan-harakat-strategiyasi-haqidagi-farmonni-imzoladi/>

<sup>56</sup> Бжезинский Зб. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы). – М.: Международные отношения, 2000. – С. 68.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 23.12.2017. // URL: <http://www.xabar.uz/k/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

Афғонистоннинг ўрнига алоҳида эканлиги кўрсатилди. Ўзбекистон раҳбарияти халқаро ҳамжамиятни Афғонистон ҳукумати раҳбарлигида тинчлик музокараларини бошлашни қўллаб-қувватлашга даъват этиб, 2018 йил март ойида Афғонистон бўйича ўтказилган олий даражадаги Тошкент конференцияси замонавий Афғонистон тарихида халқаро миқёсдаги энг қамровли анжуман бўлгани таъкидланди. Конференция якуни бўйича қабул қилинган, унинг барча қатнашчиларининг яқдил позицияси ифода этилган «Тошкент декларацияси» Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур бўлди<sup>58</sup>.

Ўзбекистон Афғонистонда кўплаб иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳалар – транспорт ва логистика, энергетика ва савдо, шунингдек таълим соҳасида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширила бошланди.

Бунда Афғонистон билан чегарадаги Сурхондарё вилояти охириги йилларда таълим, савдо ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорлик марказига айланди. Ўзбекистоннинг «юмшоқ кучи» ифодаси сифатида Термизда Афғонистон фуқароларига таълим бериш маркази 2018 йил январь ойидан фаолият кўрсата бошлади. Бу даргоҳ афғон талабалари учун 17 та йўналиш, жумладан ўзбек ва инглиз тиллари, физика ва кимё соҳаларида олий ва ўрта махсус таълим беришга ихтисослашган. Марказ 300 нафаргача талабани ўқитиш имконига эга бўлиб, биргина 2018–2019 ўқув йилининг ўзида 96 нафар талаба таҳсил олган<sup>59</sup>.

Афғонистонга қаратилган маданий дипломатия доирасида ўтказилган яна бир муҳим тадбир 2018 йил сентябрь ойида бўлиб ўтди. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ташкил этилган «Ўзбекистон – Афғонистон алоқаларида янги давр» номли давра суҳбати доирасида «Ўзбекистон-Афғонистон» дўстлик жамияти таъсис этилди<sup>60</sup>.

Жаҳоннинг бошқа минтақалари доирасида кўрадиган бўлсак, МДҲ (МО республикаларидан ташқари, асосан Россия, Беларусь ва Озарбайжон) доирасида уч йил давомида 15 маротаба, узоқ хориж мамлакатлари билан халқаро муносабатлар доирасида ўтказилган маданий тадбирлар умумий ҳисобда 22 тани ташкил этди (улардан 7 таси Европа Иттифоқи ва АҚШга; 14 таси Осиё мамлакатларига тўғри келди).

Африка қитъасидан фақат 2019 йилда Тунис давлатида ўтказилган ягона тадбирни, яъни 16-19 декабрь кунлари Тунис шаҳрида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти давлатлари маданият вазирларининг навбатдаги Конференциясида Ўзбекистон маданият вазирининг иштирокини қайд этиш

---

<sup>58</sup> Ўша жойда.

<sup>59</sup> Енисеев М. Сурхондарё вилояти ўзбек-афғон ҳамкорлигининг марказига айланиб бормокда // URL:[https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi\\_ca/features/2019/06/06/feature-01](https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/06/06/feature-01).

<sup>60</sup> «Ўзбекистон — Афғонистон» дўстлик жамиятининг тақдимоти // URL: <http://interkomitet.uz/zbekiston-af-oniston-d-stlik-zhamijatining-ta-dimoti/>

мумкин<sup>61</sup>. Қолганлари эса йирик халқаро фестиваллар ва катта халқаро ташкилотлар доирасидаги маданий тадбирлардир.

2019 йил 23 сентябрь куни Прагадаги Миллий музейнинг тарихий биносида «Янги Ўзбекистон: ноёб маданий ташаббуслар» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда икки йил давом этган ҳамкорликдаги меҳнат натижаси – чехиялик ва ўзбекистонлик олимларнинг «Жаҳон маданий тўпламларида Ўзбекистон маданий мероси» мавзуидаги халқаро лойиҳасининг Чехияга оид қисми тақдим этилди. Чехия ва Ўзбекистон тарафидан ўнлаб экспертлар ва санъатшунослик мутахассислари иштирокида 400 саҳифали, тасвирларга бой китоб-албом ва ҳужжатли фильм тайёрланди. ERIELL гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳанинг Чехия қисмига Напрстка номидаги Осиё, Африка ва Америка маданияти музейи, Прага миллий галереяси, Миллий кутубхона, шунингдек Миллий театр, Ғарбий Богемия музейи ва Шервен Лхота қалъаси жалб этилган. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистоннинг маданий мерос объектлари, санъат асарлари ва бошқа қимматбаҳо асарларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш борасидаги ҳаракатларини эътироф этдилар<sup>62</sup>.

Дисертацияда таъкидланишича, 1991–2016 йиллар давомида маданий дипломатия йўналишида эришилган натижалар, айниқса уни амалга оширишда дуч келинган иқтисодий қийинчиликлар янги босқич бошланишидан аввал сарҳисоб қилинди. Дастлабки босқичда барча юк давлат гарданига тушгани маданий дипломатия соҳасидаги ишларнинг самарали боришига салбий таъсир қилди.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, маданият ва санъат соҳасидаги бошқарув тизимида давлат сиёсатини юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори билан Маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди<sup>63</sup>. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 18 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарори<sup>64</sup> туфайли Маданият вазирлиги ўз биносига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг кенг қўламдаги маданий дипломатия ишларини амалга ошириш салоҳияти етарли бўлса-да, миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли камчиликлар ҳам аниқланган. Жумладан: маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга

---

<sup>61</sup> ЎзР Маданият вазирлиги ЖА. Халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармасининг 2019 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида маълумот.

<sup>62</sup> Шульц И. Культурная память Узбекистана в чешских музеях // URL: <https://www.prague-express.cz/cz/70410-kulturnaya-pamyat-uzbekistana-v-cheshskikh-muzeyakh>

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3325-сонли «Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳузурида маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» қарори // lex.uz

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 октябрдаги ПҚ-3337-сонли «Ўзбекистон Республикаси Маданият ваъзирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» қарори // lex.uz

қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган; юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани боис маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имкони йўқ. Бу ва бошқа камчиликлар соҳа ривожига тўсқинлик қилаётгани аниқланган<sup>65</sup>.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил 28 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси» қабул қилинди. Концепцияни амалга ошириш бўйича 2019–2020 йилларга мўлжалланган «йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Концепцияда белгиланган асосий вазифалар қаторида маданий дипломатия йўналишини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Масалан, «маданий соҳада ўзаро самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараш, бу борада тенг ҳуқуқлилиқ ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш»<sup>66</sup> ана шулар жумласидандир.

Ўтиш даври муаммолари миллий маданиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган мақом санъатига эътибор пасайишига сабаб бўлди. Миллий мақом санъатини келгуси авлодларга етказиш ва хорижий давлатларда унинг куй ва қўшиқларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзбек миллий мақом санъати маркази» ташкил этилди. Қарорга асосан 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари илк маротаба «Халқаро мақом санъати анжумани» ўтказиш режалаштирилди<sup>67</sup>. Шаҳрисабзда ўтказилган мазкур нуфузли фестивалда дунёнинг 73 та давлатидан келган 300 га яқин машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар ҳамда меҳмонлар иштирок этди<sup>68</sup>. Тожикистон Республикасининг «Мақом академияси» гуруҳи халқаро мақом санъати анжумани якунида олий соврин – Гран-при билан тақдирланди<sup>69</sup>.

Ислохотларнинг янги босқичида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО билан муносабатларнинг янги даври бошланди. Бу даврда қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ЖА. Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг лойиҳаси.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда ПҚ-4038-сонли «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» қарори // Lex.uz

<sup>67</sup> Ҳасанова Р. Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик авжида // Маданият. – 2018. – 19 июль. – Б.8.

<sup>68</sup> Мақомга ошно диллар анжумани. Шаҳрисабзда мақом фестивали ниҳоясига етди // URL: <http://21asr.uz/post/maqomga-oshno-dillar-anjumani-shahrisabzda-maqom-festivali-nihoyasiga-yetdi>

<sup>69</sup> Мақом фестивали Гран-присини Тожикистон гуруҳи қўлга киритди // URL: <http://xs.uz/uzkr/post/maqom-festivali-gran-prisi-tozhikiston-guruhi-qolga-kiritdi>

ташкilotнинг номоддий маданий мерослар рўйхатини тўлдириш давом эттирилди. 2017 йилда «Марғилон ҳунармандчилиқни ривожлантириш маркази, анъанавий технологияларни ишлаб чиқарувчи атлас ва адрасларни ҳимоя қилиш» ушбу рўйхатга киритилиб, Ўзбекистон бу хайрли ишга яна ҳисса қўшди<sup>70</sup>. Шунингдек, 2017 йил август ойида анъанавий «Шарқ тароналари» мусиқий фестивали ва унинг доирасида илмий-маърифий анжуман ўтказилди.

Диссертацияда маданий дипломатия самарали бўлиши учун уни иқтисодий дипломатия билан уйғун тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисидаги фикр атрофлича мулоҳаза этилиб, иккиёқлама (ҳам маданий, ҳам иқтисодий) хусусиятга эга туризм орқали Ўзбекистон маданий дипломатия соҳасидаги амалий ишларни янги босқичга олиб чиқиши таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг халқаро ташкilotлар доирасидаги маданий дипломатияси (МДХ ва ШХТ мисолида)**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон ва МДХ ўртасида кўп томонлама маданий дипломатиянинг шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ва ШХТ ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ҳолати, истиқболлари тадқиқ этилган.

Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши унинг таркибидаги республикалар ўртасида мавжуд бўлган барча алоқаларни сақлаб қолиш, ривожлантириш заруратини долзарб масала сифатида кун тартибига олиб чиқди. Дастлабки даврда МДХ ўз миллий давлатчилигини тиклашга киришган янги мустақил давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш имконига эга бўлган ягона механизмга айланди. Шу боис, россиялик тадқиқотчилар Ю.В.Косов ва А.В.Торопигиннинг МДХнинг шаклланиш жараёни қийин ҳамда зиддиятли кечгани борасидаги фикрлари эътиборга лойиқ. Биринчидан, МДХни яратувчилар янги давлатлараро ташкilotнинг мақсадлари, мақоми ва истиқболларини турлича тушунишган. Иккинчидан, МДХ дарҳол ўта мураккаб масалаларни ҳал қилишига тўғри келди. Булар орасида собиқ тузумга нисбатан ҳуқуқий ворислик муаммоси, советлар давлатининг сўнгги йилларида очик шаклда намоён бўла бошлаган бир қатор этносиёсий можароларни ҳал қилиш сингари масалалар бор эди. Учинчидан, МДХнинг шаклланиши Совет Иттифоқининг собиқ республикалари томонидан янги мустақил давлатлар қуриш, мустақиллик ҳамда миллий давлатчилик институтларини мустаҳкамлаш жараёни билан тарихан бир вақтга тўғри келди<sup>71</sup>. Шу аснода МДХнинг институционал ҳуқуқий тузилмаси анча тез шакллантирилди. Янги мустақил давлатлар ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим соҳаларида ўзаро алоқалар йўлга қўйилди.

---

<sup>70</sup> Margilan Crafts Development Centre, safeguarding of the atlas and adras making traditional technologies // URL: <https://ich.unesco.org/en/BSP/margilan-crafts-development-centre-safeguarding-of-the-atlas-and-adras-making-traditional-technologies-01254>

<sup>71</sup> Косов Ю.В., Торопигин А.В. Содружество Независимых Государств: Интеграция, парламентская дипломатия и конфликты. Учебник. – М.: Аспект Пресс, 2012. – С. 3.

Дастлаб, ташкилот таркибидаги давлатлар томонидан маданий алоқаларни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, унда давлатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида айнан маданий-гуманитар ҳамкорликка кенг ўрин берилган.

Бунга «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этиш тўғрисидаги битим»нинг тегишли бандлари<sup>72</sup>, Битим асосида қабул қилинган Ҳамдўстлик Уставини мисол тариқасида келтириш мумкин<sup>73</sup>.

1992 йил 15 майда Тошкентда бўлиб ўтган илк учрашувлардан бирида имзоланган Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим МДХ доирасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган дастлабки ҳужжатларидан бири бўлди. Тошкентда имзоланган битим асосида 1995 йил 26 майда МДХга аъзо давлатларнинг маданий ҳамкорлик бўйича кенгашини ташкил этиш тўғрисида битим тузилди<sup>74</sup>.

2006 йил 25 май куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида МДХга аъзо давлатларнинг Халқаро-гуманитар ҳамкорлик фонди ташкил этилиши МДХнинг маданий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим ҳужжати ва асосий қадамларидан бўлди. Ушбу Шартномага етти давлат – Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон – томонидан имзо чекилди. Ушбу Фонднинг аҳамияти аста-секин ортиб борди ва унга 2008 йилда Озарбайжон, 2014 йилда эса Молдова ҳам кирди<sup>75</sup>. Таъкидлаш жоизки, ушбу жамғармани молиялаштиришнинг 80 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келар эди<sup>76</sup>.

Янги аср бошига келиб ушбу Фонд ташкил топишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд эди. Иттифоқ даврида тўпланган маданий мерос ва маданий алоқаларни сақлаб қолиш кераклиги маълум бўлди. Фондни яратиш жараёнида бир қатор муаммо ва зиддиятлар юзага келганди. Бир томондан, 1990-йиллар бошида кўпчилик СССР меросига салбий муносабатда бўлган, ҳар қандай соҳада интеграция жараёнларини инкор этишга ҳаракат қилган. Бошқа томондан, собиқ СССРнинг барча мамлакатларида маданият соҳаси учун маблағ етишмас, шунингдек ўз ечимини кутаётган бошқа долзарб муаммолар ҳам юзага келганди.

МДХ доирасида маданий ҳамкорликни чуқурлаштирувчи навбатдаги муҳим ҳужжат 2011 йил 19 майда Ҳамдўстлик Ҳукумат раҳбарларининг

---

<sup>72</sup> Соглашение о создании Содружества Независимых Государств. Единый реестр правовых актов и других документов Содружества Независимых Государств / Сайт исполкома СНГ. // URL: <http://cis.minsk.by/reestr/ru/index.html#reestr/view/text?doc=1>

<sup>73</sup> Устав Содружества Независимых государств // URL: <http://cis.minsk.by/reestr/ru/index.html#reestr/view/text?doc=187>

<sup>74</sup> Соглашение о создании Совета по культурному сотрудничеству государств – участников Содружества Независимых Государств // URL: <http://cis.minsk.by/reestr/ru/index.html#reestr/view/text?doc=464>

<sup>75</sup> Межгосударственный фонд гуманитарного сотрудничества государств-участников СНГ (МФГС) // URL: <http://www.mfgs-sng.org/>

<sup>76</sup> Руководитель МФГС Армен Смбалян: «Только культурный человек знает, как правильно потратить деньги» // URL: <http://www.izvestia.ru/news/521399#ixzz1riy2oAZS>; О деятельности Межгосударственного фонда гуманитарного сотрудничества СНГ - интервью Исполнительного директора МФГС А.Смбаляна // URL: [https://e-cis.info/news/566/48188/?sphrase\\_id=3602](https://e-cis.info/news/566/48188/?sphrase_id=3602)

кенгаши томонидан тасдиқланди<sup>77</sup>. Унда Ҳамдўстлик мамлакатларининг маданият соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш бўйича қатор вазифалар, хусусан 2015 йилгача мўлжалланган 154 та миллий ва халқаро тадбирлардан иборат ҳамкорликнинг асосий чоратадбирлари тасдиқланди<sup>78</sup>.

Умуман олганда, МДХнинг 29 йиллик фаолияти давомида унинг таркибига кирувчи давлатларнинг маданий дипломатияга асосланган ҳамкорлигини тартибга солувчи жами 33 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди<sup>79</sup>.

Айни вақтда, МДХ доирасида маданий ҳамкорлик борасида ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган, кўп томонлама тадбирларга бой ижобий жараёнларга қарамай, соҳа фаолиятида қатнашиш масаласида барча давлатлар ҳам бирдек фаоллик кўрсатмади. Охириги ўн йилликларда салмоқли норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси бу жараёнда тўлиқ иштирок этмади. МДХнинг расмий интернет портали маълумотларига қараганда, 2000 йилдан 2017 йилга қадар қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан тасдиқланмади.

1995 йил 26 майда тузилган МДХга аъзо давлатлар маданий ҳамкорлик кенгашининг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат – Кенгаш тўғрисидаги низомга 2011 йил 18 октябрда ўзгартишлар киритилди. Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол 2013 йил 2 ноябрда кучга кирди. Уни Озарбайжон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларидан ташқари барча МДХга аъзо давлатлар имзолади. Ушбу битим асосида қабул қилинган Протоколга Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 31 июлда қўшилди<sup>80</sup>.

Қайд этиш жоизки, янги аср бошидан 2016 йилга қадар Ўзбекистон томонидан МДХ доирасида ўтказилган маданий дипломатия усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳамкорлик олиб борилмаган бўлса-да, мамлакатимиз санъаткорлари айрим маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келдилар.

Ўзбекистоннинг МДХ доирасида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш борасидаги жадал маданий дипломатик фаолияти 2017 йилдан йўлга қўйилди. Маданий дипломатиянинг ушбу йўналиши Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан англаб етилиб, мамлакатнинг маданий меросини дунё миқёсида тарғиб қилишга, қадимий тарихга асосланган ва Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз

---

<sup>77</sup> Протокол о внесении изменений и дополнений в Соглашение о создании Совета по культурному сотрудничеству государств-участников Содружества Независимых Государств от 26 мая 1995 года // URL: <http://cis.minsk.by/reestr/ru/index.html#reestr/view/text?doc=3196>

<sup>78</sup> Ўша жойда.

<sup>79</sup> Нормативно-правовая база // URL: <https://e-cis.info/cooperation/3102>

<sup>80</sup> В соответствии с ногой МИДа Республики Узбекистан от 30.10.2014 № 29/28840 Республика Узбекистан не участвует в деятельности Совета по культурному сотрудничеству государств-участников СНГ (URL: <http://cis.minsk.by/page/show?id=19305>).

халқларининг бағрикенглигини дунёга намоёиш қилишга кенг йўл очиб берди. Мамлакатимиз барча соҳалар қатори Ҳамдўстлик доирасида ҳам маданий соҳа вакилларининг ўзаро тажриба алмашишлари ва ташрифлари, таълим ва профессионал кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, барча мамлакатлар билан маданий фаолият соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган маданий дипломатия ривожига эътибор қаратди.

Мамлакатимиз МДҲга аъзо давлатлар маданий ҳамкорлик кенгашининг йиғилишларида иштирок эта бошлади. 2018 йил 12–13 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) МДҲга аъзо давлатлар Маданий ҳамкорлик кенгашининг XXXIII йиғилишида қатнашиб, МДҲга аъзо давлатларнинг «Санъат ҳамдўстлиги» номли маданият ва санъат тўғрисидаги давлатлараро ахборот-таҳлилий журналининг 2019 йилда нашр этиладиган навбатдаги сони Ўзбекистон Республикасига бағишланишига келишилди<sup>81</sup>.

2019 йил 18–19 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида МДҲга аъзо давлатлар маданий ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан билдирилган МДҲга аъзо давлатлар маданий меросининг виртуал музейини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилинди. МДҲга аъзо давлатларнинг Виртуал маданий мерос музейи тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида, Кенгаш аъзоларига МДҲ Ижроия қўмитасига аъзоликка номзодлар бўйича таклифлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинди ҳамда МДҲ Ижроия қўмитасига унинг йиғилишини ташкил қилиш топширилди<sup>82</sup>.

Диссертацияда ХХI аср бошида вужудга келиб, ҳозирги кунда жаҳонда катта нуфузга эга бўлган йирик халқаро ташкилот – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) – доирасида ҳам Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли кўп томонлама маданий дипломатия доирасидаги муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши масаласи ҳам кенг қамровли манбалар асосида таҳлил этилган. Ушбу ташкилот ўз фаолиятининг тарихан қисқа даври ичида хавфсизлик, иқтисодиёт, сиёсат соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритди. Айни вақтда, ўзаро ишонч ва ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ негизига қурилган давлатлараро муносабатларнинг маданий соҳасида манфаатли алоқаларнинг нуфузи тобора ортиб бораётгани Ўзбекистонга ҳам бу борада жуда катта имкониятлар яратмоқда. Айниқса, ташкилотга аъзо давлатлар билан маданият, санъат, туризм, экология, фан ва таълим, спорт соҳаларида жадал интеграцияга киришилганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>81</sup> Информация о XXXIII заседании Совета по культурному сотрудничеству государств – участников СНГ (12–13 октября 2018 года, г. Санкт-Петербург, Российская Федерация) // <https://cis.info/cooperation/2944/79337/>

<sup>82</sup> Информация о XXXIV заседании Совета по культурному сотрудничеству государств – участников СНГ (18–19 сентября 2019 года, г. Душанбе, Республика Таджикистан) // <https://cis.info/cooperation/2944/83515/>

Дастлаб ШХТ кўп мақсадли тузилма сифатида шакллантирилган бўлиб, унинг доирасидаги ҳамкорлик учта асосга, жумладан (1) сиёсат ва хавфсизлик, (2) савдо-иқтисодий фаолият ҳамда (3) маданий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга таянган. ШХТнинг асосий мақсади – унинг ҳудудида истиқомат қилувчи халқларнинг ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш<sup>83</sup>.

Хитойлик экспертнинг фикрича, ШХТга аъзо давлатлар томонидан илгари сурилган минтақавий ҳамкорлик ўзига хос жиҳатларга эга. Биринчидан, у минтақадаги экстремизм, терроризм, сепаратизм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш каби хавфсизлик соҳасидаги энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Шу боис аъзо давлатлар миллий мудрофаа соҳасида ҳамкорлик қила бошлашди ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини биргаликда амалга оширишга киришишди. Иккинчидан, ШХТ савдо ва сармояларни ривожлантириш ҳамда савдо-сотикдаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ташкилотдир. Аъзо давлатлар икки ва кўп томонлама ҳамкорлик орқали муҳим йўналиш ва лойиҳаларни аниқлаб, қуруқликда юк ташишни осонлаштириш бўйича шартномаларни имзолаганлар. Учинчидан, турли соҳаларда маданий ва халқаро алоқаларни ривожлантириш учун вазирлар даражасидаги учрашувлар механизми ташкил этилди. Фуқаролик институтлари ва маҳаллий ҳокимият идоралари, шунингдек таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва техника, спорт, ёшлар ишлари, оммавий ахборот воситалари ва туризм каби соҳаларда алоқаларни кучайтиришга киришилди<sup>84</sup>.

Кейинчалик ШХТнинг устувор йўналишлари қаторига минтақавий ривожланиш ҳам киритилди. Аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий ҳамда гуманитар интеграция жараёнларини кенгайтириш ва ривожлантириш минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги муносабатларини чуқурлаштиришга замин яратди. Шу билан бирга, аъзо давлатлар ўртасида маданий соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланди<sup>85</sup>.

ШХТга аъзо давлатлар доирасидаги маданий ҳамкорликка назар ташланса, унинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тадрижий ривожланиш жараёнида бир неча босқичларни босиб ўтганлигини кузатиш мумкин. Бу босқичлар диссертацияда таҳлилий материалларга асосланган ҳолда ўз ифодасини топган.

Тарихан қисқа вақт давомида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида маданий ҳамкорлик соҳасида шакллантирилган ташкилий ва ҳуқуқий пойдеворга таяниб, маданий тадбирлар ташкил этилди. Масалан, илк тадбир 2005 йил 4-6

---

<sup>83</sup> Alimov R. The Shanghai Cooperation Organisation: Its role and place in the development of Eurasia // Journal of Eurasian Studies. – 2018. – N9. – P. 116.

<sup>84</sup> Sun Xuangji. The Shanghai Cooperation Organization in the New Era // URL: [http://www.chinatoday.com.cn/ctenglish/2018/zdtj/201806/t20180607\\_800131931.html](http://www.chinatoday.com.cn/ctenglish/2018/zdtj/201806/t20180607_800131931.html)

<sup>85</sup> Shanghai Cooperation Organization // <https://dppa.un.org/en/shanghai-cooperation-organization>

июль кунлари Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтган. Ўшанда ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг иккинчи учрашуви доирасида ушбу давлатларнинг санъат фестивали ҳам ташкил этилган. Унда ўзбекистонлик санъаткорлардан иборат ижодий жамоа муваффақиятли қатнашди<sup>86</sup>. 2006 йил 25 апрель – 2 май кунлари ХХРда бўлиб ўтган расмий тадбир доирасида Ўзбекистон Бадий академиясининг кўرғазмалар залида ШХТга аъзо давлатларнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари кўрғазмаси ҳам ташкил этилди<sup>87</sup>.

Маданий дипломатия ва халқ дипломатиясининг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ШХТ маконида кўп томонлама маданий ҳамкорлик дастури муваффақиятли амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2007 йил 25–30 август кунлари Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи тадбирларига фахрий меҳмон сифатида ШХТ Бош котиби ҳамда ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирлари таклиф этилди<sup>88</sup>.

Ташкилот доирасида ўтказилаётган доимий учрашувлар, мамлакатлар расмий вакилларининг маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар айнан халқ дипломатиясининг янада ривожланишига замин яратди. Айниқса, маданий дипломатиянинг кенг суръатлар билан ривожланиши, санъат ва маданият вакиллари доимий муносабатларининг мустаҳкамланиши ва узлуксизлиги Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси кўп томонлама муносабатларда бир-бирини англаши учун ҳам ўта муҳим асос бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой, Хитой ва Қозоғистон, Хитой ва Қирғизистон, Хитой ва Тожикистон, Хитой ва Россия давлатлари, шунингдек қолган иштирокчилар ўртасида ҳам доимий маданий алоқалар, фестиваллар, маданият кунлари, миллий кунлар ўтказилиши ва ўзаро муносабатларда уларнинг янги босқичларга чиқаётгани маданий дипломатиянинг нечоғли куч-қудратга эгаллигини кўрсатмоқда. Шунингдек, кино соҳасининг халқлар ва миллатларни бирлаштириш, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришдаги роли барча аъзо давлатлар томонидан англаб етилмоқда, кинонинг ўта жиддий соҳа ва маданий дипломатиянинг ажралмас қисми эканлиги, маданий алоқаларнинг ўта муҳим институционал ва маънавий қисмига айланиб улгурганлиги доимо таъкидланиб келмоқда.

ШХТнинг 2010 йил 10–11 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган Саммити доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Буюк Ипак йўли – тинчлик йўлида саёҳат» кўрғазмаси ташкил этилди. Кўрғазмада

---

<sup>86</sup> ЎзР МВ ЖА. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида маданият соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича маълумот. – 2002 йил.

<sup>87</sup> ЎзР МВ ЖА. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида маданият соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича маълумот. – 2006 йил.

<sup>88</sup> ЎзР МВ ЖА. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида маданият соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича маълумот. – 2007 йил.

иштирок этиш учун Халқаро муаммолар тадқиқоти бўйича Хитой фонди бошқаруви раиси Чжан Дэгуан бошчилигидаги жами 47 кишидан иборат делегация ташриф буюрди. Делегация таркибида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бангладеш ва Миср рассомлари ҳам қатнашдилар. 10 июнь куни Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтган кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон расмийлари (турли вазирлик ва идоралар вакиллари), элчихоналар ходимлари ҳамда Хитой Халқ Республикаси бош вазирининг ўринбосари Дай Бинго иштирок этдилар. Очилиш маросимида ўзбек санъаткорлари иштирокида концерт дастури ҳам намоёниш этилди.

Ҳамкорликни ривожлантиришнинг салмоқли асоси сифатида нафақат аъзо давлатлар раҳбарларининг, балки маданият вазирларининг ҳам ҳар йилги учрашувларини алоқаларнинг асосий шакли сифатида келтириш мумкин. Бу учрашувларни алоҳида форумлар сифатида ташкил қилиш ҳам анъанага айланди. ШХТ доирасидаги форумлар, маданият вазирлари учрашувларининг тарихий аҳамияти, Ташкилот доирасидаги муносабатларнинг жадал ривожланиши борасида давлат ва ҳукумат раҳбарларининг, аъзо мамлакатлар расмий ҳамда дипломатик вакиллари ва парламентарийларининг чиқишларида билдирилган фикрлари, баёнотлари, чиқиш ва маърузаларини келтириш мумкин.

Энг муҳими, ушбу чиқиш ва қарашларнинг, баёнотларнинг барчасида ўзаро муносабатларни, айниқса, маданий алоқаларни янада ривожлантиришдан барчанинг манфаатдорлиги ўз аксини топган. Маданий алоқалар, музей ва театрлар, санъат намояндаларининг давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси ниҳоятда катталиги таъкидланган. Шу билан бирга, айнан маданий дипломатиянинг самараси алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон ўз маданий дипломатиясини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини 2012 йилда ҳам давом эттириб, 22–23 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекин шаҳрида ШХТ доирасида маданий ҳамкорлик масалалари бўйича Экспертлар ишчи гуруҳининг мажлисида фаол иштирок этди. Ушбу тадбирда мамлакатимиз делегацияси кейинги йилларда маданий алоқаларни ривожлантириш, бу соҳада шу кунга қадар мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан Ўзбекистоннинг позициясини иштирокчи давлатлар вакилларига етказди. 5-12 июнь кунлари Пекинда ўтказилган ШХТ Санъат фестивалида номоддий маданий мерос намуналарини намоёниш қилувчи ҳунармандларимиз иштирок этиб, Ўзбекистоннинг ноёб санъат дурдоналарини, ҳунармандчилик бизнинг заминда қадим замонлардан жуда ривожланганлигини кўрсата олган эди<sup>89</sup>.

Кейинги йилларда бундай тадбирлар Қозоғистоннинг Остона шаҳрида, Россия Федерациясининг Москва, Қозон, Набережные Челни, Елабуга,

---

<sup>89</sup> ЎзР МВ ЖА. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида маданият соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича маълумот. – 2012 йил.

Қирғизистоннинг Бишкек, Хитойнинг Чанжи, Шанхай, Гуанчжоу, Ханчжоу шаҳарларида бўлиб ўтди. Умуман олганда, бундай кўргазмалар Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг 30 дан ортиқ шаҳарларида бўлиб ўтди. Бу каби тадбирлар ёш авлодни нафақат ўзга маданиятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялайди, балки бағрикенглик ҳамда барча миллат ва халқлар маданиятларини юксак қадрлашга ҳам ўргатади. Ташкилотга аъзо мамлакатлардаги маданий ҳаётни янада ривожлантириш, улар ўртасидаги маданий алоқалар ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалаларининг муҳимлиги аъзо давлатларнинг барчаси ўта ноёб маданият ва улкан маданий салоҳиятга эгаллигидадир.

Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги дипломатиясини ривожлантириш, маданий ҳамкорликни янада юксак босқичларга олиб чиқиш вазифаларини рўйбга чиқаришда ШХТ доирасидаги тадбирларга устуворлик берилди. Бу 2016 йил 21–22 июнь кунлари Ўзбекистон раислигида ўтказилган ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги йиғилишида ўз ифодасини топди. Аъзо мамлакатлар Маданият вазирликларининг расмийлари маданият соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазаларни, аъзо давлатлар маданият вазирлари ўтган даврда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга оширган ишларни муҳокама қилди, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорликка доир ҳужжатлар ва Ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан фикр алмашди<sup>90</sup>. Томонлар ШХТ доирасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамфикрлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш, Ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг кўп асрлик миллий анъана ва урф-одатларини жадал тарғиб қилишга интилаётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, томонлар ШХТ кузатувчи мамлакатлари ва мулоқот бўйича шериклари билан маданият ҳамда санъат соҳасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этишди.

2018 йилда Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТнинг 18-саммитида Ўзбекистон вакили Владимир Норовнинг Ташкилотга Бош котиб этиб тайинланганлиги Ўзбекистоннинг маданий ва сиёсий дипломатия соҳасидаги энг катта ютуғи бўлди. 2019 йил 1 январдан ўз вазифасини бажаришга киришган В.Норовнинг таъкидлашича, «Ташкилот ўз ишида очиқлик ва учинчи томонга қарши йўналмаслик тамойилларига таянмоқда. Ишонч, тенглик, ўзаро манфаат ва маслаҳатлашувлар, маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ривожланишга интилишга асосланган «Шанхай руҳи»га содиқлик қўшни ва узоқ минтақалар

---

<sup>90</sup> ШХТга аъзо давлатлар маданият вазирлари мажлиси // Ўзбекистон овози газетасининг расмий сайти // URL: [http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT\\_ID=37062](http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=37062) 23.06.16 й.

мамлакатлари, халқааро ва ҳудудий ташкилотларнинг ШХТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқишини оширди»<sup>91</sup>.

Маданий ва гуманитар ҳамкорлик борасида тўпланган тажриба ва бу йўналишда мавжуд муаммолар ҳисобга олиниб, ШХТнинг 2025 йилга қадар ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди<sup>92</sup>. Унда кўп томонлама маданий алоқаларни ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Масалан, аъзо давлатлар ўртасида фан ва техника, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, икки томонлама ва кўп томонлама шаклда таълим, илмий ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларни изчил кенгайтириб бориш, қўшма илмий дастурлар ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ана шулар жумласидандир.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, МДХ ва ШХТ доирасидаги маданий соҳадаги кўп томонлама кенг қамровли алоқаларга турли хронологик жиҳатдан турли даврларда асос солинган бўлса-да, маданий дипломатик муносабатлар аосан ХХІ аср бошига келиб жадаллашди. Бунда ушбу ташкилотлар ҳузурида маданият ва унинг доирасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда институционал тузилмаларининг шаклланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

## ХУЛОСА

Диссертациянинг якунида қисмида Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш юзасидан амалга оширилган тадқиқотнинг асосий хулосалари чиқарилган ва тегишли илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар илгари сурилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон маданий дипломатия соҳасида эришган ижобий натижалари билан бир қаторда, маданий ҳамкорликни чуқурлаштиришга оид **ўз ечимини топмаган қатор масалалар турганлиги таъкидланган**. Жумладан, диссертациянинг хулоса қисмида:

– маданий дипломатиянинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи яхлит концепция ишлаб чиқилмаган ва амалиётга жорий этилмаганлиги, тегишли давлат идораларида маданий дипломатия ишини тизимли равишда йўлга солувчи ва мувофиқлаштирувчи тузилмалар талаб даражасида эмаслиги;

– Ўзбекистонда мавжуд маданий ва маърифий муассасалар тармоғидан етарлича фойдаланилмаётганлиги сабабли маданий дипломатияни ўз ичига

---

<sup>91</sup> Норов В. ШХТ тинчлик ва дўстлик сарҳадларини мустаҳкамлайди // Халқ сўзи газетасининг расмий сайти // URL: <http://xs.uz/uzkr/post/norov-intervyu> 16:41, 15 Август 2018.

<sup>92</sup> Қаранг: Стратегия ШОС до 2025 года. – 2015 [Электронный ресурс]. – URL: <http://sco-russia.ru/load/1013640805.html> (дата обращения: 12.04.2017).

олган оммавий дипломатия соҳасида замонавий ўқув дастурлари ва материаллари билан таъминланган тегишли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш масаласи очик қолаётганлиги;

– мустақиллик йилларида таълим, фан ва маданият соҳасида, айниқса Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар ёшлари ва мутахассислари учун алмашинув дастурларини шакллантириш, республика олий ўқув юртларида хорижлик талабалар сонини кўпайтиришга қаратилган ишлар масаласи деярли очик турганлиги, шунингдек, Ўзбекистон маданиятини тарғиб этишда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқалар изчил йўлга қўйилмаганлиги;

– маданий дипломатия соҳасидаги вазифаларни бажаришда оммавий дипломатиянинг барча ресурслари, хусусан рақамли дипломатия ҳамда ОАВ зарур даражада ривожланмаганлиги сабабли, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари расмий веб-сайтлари ва умуман, ижтимоий тармоқларда мамлакатимиз ва айниқса тарихий шаҳарларни брендлаш иши самарали йўлга қўйилмаганлиги, бундан ташқари, хорижий аудитория учун ишлайдиган телевизион ва радиоэшиттиришлар ва улар орқали Ўзбекистонда яратилган фильмлар, мусиқа ва театр асарларини тарғиб этиш муаммолари мавжудлиги алоҳида қайд этилган.

Тадқиқот хулосалари асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

– маданий дипломатия йўналишидаги фаолиятни давлат ва жамоатчилик тузиламалари ҳамда институтларининг яқин ҳамкорлиги ва мувофиқлаштирилиши орқали мунтазам равишда олиб бориш;

– Ўзбекистондаги этник, маданий тадбирларнинг (фестиваллар, танловлар, кўргазмалар) тематик доираси ва кўламини, шунингдек хорижий сайёҳларга мўлжалланган мавсумий фестиваллар доирасини кенгайтириш;

– Ўзбекистон халқ санъати марказлари ва объектларини туристик йўналишларга киритиш;

– миллий мумтоз ва замонавий мусиқа, театр ва кино санъати усталари, шунингдек Ўзбекистон ижодий жамоалари томонидан хорижда концертлар ва чиқишлар ташкил қилиш;

– халқаро илмий алоқаларни фаол ривожлантириш, шу жумладан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг халқаро конференция ва симпозиумларда маърузачилар сифатида иштирокини кенгайтириш;

– чет эллик талабаларни Ўзбекистон университетларига жалб қилишни энгиллаштириш мақсадида илғор халқаро тажриба асосида таълим тизимини такомиллаштириш, узлуксиз, масофадан туриб ўқитадиган ва очик таълим тизимини яратиш;

– «маданий дипломатия» ихтисослаштирилган дастурлар ва фанларни ишлаб чиқиш ва уларни ходимларнинг малакасини ошириш курслари ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига жорий этиш;

– дунёнинг етакчи телевидение, радио ва интернет оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва улар билан халқаро майдонда ўзбек миллий брендлари ва Ўзбекистоннинг ижобий халқаро имижини илгари сурувчи қўшма медиамаҳсулотлар, реклама роликлари, ҳужжатли фильмлар ва бадиий фильмларни тайёрлаш масаласини кўриб чиқиш;

– рақамли дипломатияни ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг ресурсларини ҳар томонлама ишга солиш орқали, Ташқи ишлар вазирлиги ва чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларида Ўзбекистон ҳақида қизиқарли ва жозибадор маълумотларни жойлаштиришга қаратилган самарали тизимни йўлга қўйиш;

– чет элларда Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларини кенг тарғиб ва реклама қилиш, жумладан, юқори сифатли реклама маҳсулотларини (рисолалар, буклетлар, туристик хариталар ва бошқалар) мунтазам равишда яратиш ва тарқатиш, шунингдек ахборот-реклама кампанияларини ўтказиш орқали мамлакатнинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш чораларини кўриш;

– туризмни ёритувчи хорижий сайёҳлик операторлари, журналистлар ва блогерлар учун мамлакат бўйлаб мунтазам равишда реклама ва ахборот-турларини ташкил этиш;

– илмий, ижодий ва касбий ҳамжамиятлар орасида Ўзбекистон, унинг маданияти ва тарихи ҳақидаги материалларни интернет тармоғининг ахборот ва ихтисослаштирилган манбаларида тарқатиш бўйича ташаббускор (ихтиёрий) фаолиятни шакллантириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ**

**ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**07.00.05. История международных отношений и внешней политики**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора (DSc) исторических наук**

**Ташкент – 2020 год**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1 DSc/Tar154**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный консультант:** **Маврулов Абдухалил Абдулхаевич**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович**  
доктор исторических наук, профессор

**Нуриддинов Эркин Зухриддинович**  
доктор исторических наук, профессор

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
доктор политических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Институт истории Академии наук Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2020 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSC.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 при Ташкентском государственном университете востоковедения (Адрес: 100047, г.Ташкент, улица Шахрисабзская, 25. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

С диссертацией (DSc) можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована под № \_\_\_\_). (Адрес: 100047, г.Ташкент, улица Шахрисабзская, 25. Тел: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол реестра рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Э.С. Султанова**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней  
доктор политических наук, профессор.

**А.А.Шарапов**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней  
кандидат политических наук, доцент.

**Н.Э.Каримова**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
доктор исторических наук,  
профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Дипломатия является специфическим инструментом осуществления внешней политики государства, посредством которого обеспечивается и защищается внешняя политика и экономические интересы страны. В условиях современных процессов глобализации, характеризующейся все более сложными международными отношениями, вопросы обеспечения национальных интересов и повышения имиджа страны на международной арене не теряют своей актуальности. Напротив, в международных отношениях власть государства во многом определяется его военным и экономическим потенциалом. Одним из важнейших критериев внешней политики в начале XXI века стала пропаганда истории и богатой культуры государства посредством культурной дипломатии. Одним словом, культурная дипломатия является одним из наиболее эффективных методов осуществления внешней политики.

С первых лет независимости культурная дипломатия Узбекистана, являясь одним из ведущих политических институтов внешней политики страны, постепенно формировалась на основе современных критериев, внося существенный вклад в повышение роли и авторитета государства на международной арене. Усилия узбекской культурной дипломатии по установлению и развитию дружественных отношений на региональном и глобальном уровнях, а также в деле укрепления в мире имиджа Узбекистана, нашли признание и поддержку среди авторитетных международных организаций и государств. Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев, «богатая и разнообразная культура народа Узбекистана формировалась и развивалась на протяжении тысячелетий в чередe ярких исторических событий, благодаря уникальной природе нашей страны и вдохновляющему влиянию различных культур...»<sup>1</sup>, в основе которой лежит наше историческое культурное наследие.

Для Узбекистана, который в настоящее время укрепляет свои позиции и репутацию на уровне мирового сообщества, данный вид дипломатии стал одним из приоритетных направлений внешней политики и методов её осуществления. Следует отметить, что сегодня двусторонняя и многосторонняя культурная дипломатия с различными государствами, а также целым рядом международных организаций, стала неотъемлемой частью культурной жизни международного сообщества и рассматривается руководством страны в качестве весьма актуальной проблемы. В этом контексте необходимость формирования и развития культурной дипломатии в государстве, анализ ее успехов и недостатков, а также разработка

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон маданиятининг янги кирралари – дунё эътиборида // «Ўзбекистон маданият мероси» муаллифлик туркуми: «Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбомига кириш сўзи. – Т., 2019. – Б. 5.

долгосрочной стратегии, которая требует четкого определения намеченных целей, определяют актуальность исследования.

Данная диссертация в определенной степени служит для выполнения задач, намеченных в Законах Республики Узбекистан «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» (3 июля 1992 года), «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» (10 сентября 2012 года), «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (7 февраля 2017 года), Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилению его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешней политики и внешнеэкономической деятельности» (5 апреля 2018 года) и Постановлениях «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан» (30 июня 2017 года), «Об утверждении концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» (28 ноября 2018 года), а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Настоящее исследование проводилось в рамках программы научно-технического развития республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

Фундаментальные исследования по изучению культурных связей и культурного наследия Центральной Азии проводятся в ведущих научных центрах, университетах и обществах мира, в том числе в Институте исследований Центральной Азии и Кавказа, обществе по изучению Центральной Азии (США), Французском институте исследований Центральной Азии (Франция), в обществе Рояль по Азиатским делам (Великобритания), Итальянском обществе по исследованию Центральной Азии и Кавказа (Италия), Центре обсерватории Центральной Азии (Испания), Азиатском институте культурных исследований, Центре исследований Евразии и Центральной Азии (Корея), Институте востоковедения Российской академии наук (Россия), Центре культурных исследований Айгине (Кыргызстан) и Институте исследований Центральной Азии (Узбекистан).

Фундаментальные исследования по изучению культурного наследия Центральной Азии также осуществляются в рамках проектов,

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе <https://rsaa.org.uk/>; <https://www.asiac.net/>; URL: <http://www.asiacentral.es/>; <https://www.toyo.ac.jp/en/research/labo-center/acri/outline/>; <https://www.ivran.ru/>; URL: <http://aigine.kg/>; URL: <http://www.archiveca-iicas.org/archives/>; URL: <http://c-legacy.uz/uz/bosh-sahifa/> и др. источников.

организованных ЮНЕСКО. В частности, шесть томов книги ЮНЕСКО под названием *«История цивилизаций в Центральной Азии»* являются первоисточником культурного наследия в Центральной Азии. Несмотря на то, что зарубежных центров по исследованию культурного наследия Центральной Азии не много, и они не ориентированы на изучение культурного наследия, тем не менее оно является одним из направлений исследований зарубежных исследовательских центров. Центром, в котором данная проблема изучается более широко, является Французский институт исследований Центральной Азии (French Institute for Central Asian Studies (IFEAS)), в настоящее время осуществляющий свою деятельность в Кыргызстане. Его основной целью является изучение археологии и памятников культуры Центральной Азии путем проведения в регионе исследований в области археологии и других социально-гуманитарных наук (история, социология, этнология, антропология, экономика, география).

Фундаментальный исследовательский Центр изучения культурного наследия Центральной Азии расположен в городе Самарканд. Международный институт изучения Центральной Азии (International Institute for Central Asian Studies (IICAS)), основанный в 1995 году в Самарканде, занимается изучением проблем культуры и истории государств центральноазиатского региона. В частности, в этом международном институте при участии ученых из более, чем 10 государств, проводятся исследования по истории цивилизаций Великого Шелкового пути и их культурному развитию.

Также работа, проводимая проектом «Культурное наследие Узбекистана в мировых коллекциях», включает в себя серьезные исследования по сбору и обобщению лучших артефактов, в частности в исследованиях выдающихся ученых Узбекистана при подготовке книг-альбомов для публикации. Среди них можно выделить образцы археологии, уникальной керамики, изделий из металла, нумизматики, текстиля, ювелирного и изобразительного искусства. Данная медиа-продукция является отражением богатства и уникальности культурного и исторического наследия народа Узбекистана.

